Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48-йил чиқиши

№65 (13.327).

1966 МАРТ 20 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Қўйлиқ ремонт-механика заводи коллективи қишлоқ хўжалиги машина-ускуналарини ремонт қилиш топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Суратда: корхонанинг тажрибали слесарларидан Абдураҳмон Жалакаев ва Хожимат Абдуллаев ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

КПСС XXIII съезди делегатлари

ОФАРИН, ОЛМОСХОН!

Делегатлар овозга қўйиляпти. Улар орасида ёш коммунист Олмосхон Сўпнева ҳам бор. Ҳаяжонини босолмайди у. Ахир партиямизнинг XXIII съездига — миллион-миллион коммунистларнинг буюк анжуманига қатнашишдан ҳам улуғ бахт борми дунёда?! Олмосхон бу бахтга қандай муяссар бўлди, бу шарафга қандай қилиб эришди?

Олмосхон шуларни ўйлайди. Ўйлайди-ю бутун колхози, дугоналари, йил бўйи қилинган ишлар ва амалга оширилиши лозим бўлган режалар кўз ўнгида гавдаланади.

...Ҳа, Олмосхонлар яхши ишлашди. Коммунистлар, комсомоллар, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайрати туфайли Охунбобоев номли колхоз Андижон районидагина эмас, бутун областга яхши ном чиқарди. Ўтган йили меҳнаткашлар дастурхонига 8 минг тоннадан кўпрок сабзавот етказиб берди. Чорвачилик кескин ривожланди. Колхоз гўшт топшириш бўйича йиллик планларни сурункасига тўрт йилдан буён январь ойидаёк бажаряпти. Беш йилликнинг биринчи йилида давлатга гўшт етказиб бериш плани ҳам январнинг дастлабки ҳафтасида адо этилди. 50 тонна ўрнига 57 тонна семиз гўшт тайёрланди.

Бу ютуқларда оддий колхозчи, меҳнатсевар коммунист Олмосхон Сўпневанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У колхоз суттовар фермасининг шуҳратигашуҳрат қўшмоқда. Ўтган йили ўз боқувидаги 16 бош сигирдан 32 тонна серқаймоқ сут соғиб топширди. Бу пландагидан 3 тонна кўпдир. Олмосхон жайдари сигирларнинг ҳар бошидан 1870 килограммдан сут олиб, социалистик мусобақада ғолиб чиқди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси фермадаги бошқа ходимлар билан бир қаторда Олмосхоннинг ҳам кучига-куч, ғайратига-ғайрат бағишлади. Олмосхон социалистик мусобақада ҳамон пешқадамлик қиляпти. Йил бошидан буён 4 тоннадан кўпроқ сут соғиб олди. Лекин бу миқдор уни сира қаноатлантирмайди. Чунки, Олмосхон Сўпнева беш йилликнинг дастлабки босқичида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни ўтган йилдагига нисбатан 130 килограмм кўпайтиришга аҳд қилган.

Аҳдимга яраша ишлай оларменманман? Ваъда — вафоси билан чиройли.

Олмосхон область партия конференцияси залида ўтириб, шуларни ўйлайди. Съездга делегат қилиб сайлаётган коммунистларнинг ишончини оқлаш ҳақида ўйлайди...

Мана КПСС XXIII съездига делегат қилиб сайланган коммунистлар сафидан моҳир сут соғувчи Олмосхон Сўпнева ҳам муносиб ўрин олди. У Андижон области коммунистларининг вакили сифатида съездга қатнашади. Ҳамма унга бир кишидек овоз берибди. Бу — катта ишонч.

Олмосхон ўрнидан турар экан, конференция қатнашчиларидан бир группаси уни қизғин табриклаб бундай дейди:

— Офарин, Олмосхон!

Гўё бутун зал шундай дерди.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Узбекистони»нинг махсус мухбири.

КАНАЛНИНГ НОМИ — КПСС XXIII СЪЕЗДИ

Бухоро область партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари ва барча меҳнаткашларининг, Аму—Бухоро машина канали фойдаланишга топширилишига бағишланган кўп минг кишилик митинг қатнашчиларининг истаклари инобатга олинди: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети Аму—Бухоро машина каналини бундан буён КПСС XXIII съезди номи билан аталсин деб қарор қилди.

КЎҲНА БУХОРОДАН РЕПОРТАЖ

ВОҲАДА ШОДИЁНА

Тонг ҳарир пардадек оқариб келяпти. Хуршиди жаҳон ёстиқдан бош кўтарганича йўқ. Москва радиоси Бухоро области асримизнинг улуғ нишони — Ленин ордени билан мукофотланганини яна бир бор зўр салобат билан эфирдан таратди.

Бу хабар тонг дарақчиси, катта шодиёнанинг дебочаси, кўҳна ва қадимий азим Бухоро меҳнаткашларининг хўжалик ҳамда маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларининг жамулжам мезони, Ватан олқишининг зўр тароnaси бўлиб, бир зумда қалбларнинг тўридан ўрин олди. Унинг анс-садоси ёшу-қари барчанинг дилларида, тилларида қудратли тўлқиндай янграйбошлади.

Газлида дўстлигимиз рамзи — «зангори олов»дан ватан қалби гупириб уриб турган жонажон пойтахтимизга поендоз тўшаётган азамат оловқорлар ва ернинг қон томирини фонтанлардан отилиб, жамолини нўз-нўз қилишга ундаётган «қора олтин»чилар, Навоийдан нур таратаётган энергетик ва химиклар, Қурама тоғлари этагида фидоқорона меҳнати билан мўъжизалар яратаётган олтинтопарлар, хуллас, областнинг ипакчиси-ю, тикувчиси, мирзиншор пахтакори-ю, элга ботмон-ботмон мой, гўшт, сут инъом этаётган чорвадори, жаҳонга донг таратган пиллачиси-ю, шолиқори, олими-ю, ўқитувчиси, ўқувчисию, студенти, шифокори-ю маданият ходимлари бу ажойиб мукофот учун партияга ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик билдирмоқда.

Биз Газлини нездик, Бухорога қумуш камар таққан Аму—Бухоро канали бунёдкорлари билан учрашдик. Қўша-қўша дастгоҳлар ёрдамида элга ипак тўқиётган жилоси нўзни қамаштирувчи қоракўл тери ошлаётганлар даврасида бўлдик, тўқин-сочин дастурхонимизнинг ноз-неъматларини мўл-кўл етиштираётган бобо деҳқонлар билан суҳбатлашдик, барисининг қалбидаги сўз бу, Ҳўв, катта кўчанинг муюлишида ял-ял ёниб турган алвонда ҳам шу қалб сўзлар битилган: «Олий мукофот учун жонажон Совет ҳукуматига қалб ташаккуримизни изҳор этамиз!»

Қувонмай бўладими! Бухоро йил сайин эмас, ой сайин қиёфасини ўзгартирмоқда. Жонажон Коммунистик партиямизнинг қудратли иродаси, юрак қўрини она-Ватанга бағишлаган шижоатли халқнинг қаҳромонона меҳнати билан Бухоро элининг тенгсиз тупроғидан дур, гавҳар тўла сандиқлар очилмоқда.

Саҳий воҳанинг битмас-туганмас ер ости бойликлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун хизмат қилмоқда. Шуни зўр қувонч билан айтиш керакки, фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакат 16 миллиард куб метр Бухоро газини қабул қилиб олди. Бухоро газ тараққиётимиз тимсолигина эмас, у қалбларимиз ҳаротини, кўзларимиз меҳрғиёсини дўстлар сари элтиб берди. Унинг битмас-туганмас запаслари улкан саноатимизнинг бағрига ҳаёт олиб кирди. Қалби оламни сиғдирадиган ажойиб халқимиз эндиликда Москва, Ленинград оша, Болтиқбўйи республикаларига ҳам «зангори олов»ни етказиш режаларини тузмоқда.

Бухоро олтинининг таърифи бугун тилларда достон бўлмоқда. Мурунтов олтин конининг истиқболи порлоқ. Қизилқум бағридан қимматбаҳо маъдан ундираётган жасур кишилар мамлакат бойлигига бойлик қўшмоқдалар.

Область пахтакорларининг ўтган йилги зафари ҳам чанки бўлмади. Ватан омборига 314 минг тонна Бухоро «оқ олтин»и топширилди. Бу 1964 йилдагидан 16 минг тонна кўпдир. Бу йил Бухоро бободеҳқонлари 317 минг тонна «оқ олтин» учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Шаҳарликлар қувончи ҳам гоят чексиз. Кўчаларда, хиёбонларда одам ҳар кунгидан гавжумроқ, ҳамманинг қалбида қувонч, улар бир-бирларини муборак этмоқдалар. Улар бунга минг бор ҳақлидирлар. Ахир юксак мукофот шуларнинг меҳнати эвазига эмасми? Бу меҳнатнинг битмас-туганмас самараси бизнинг фаровон турмушимиздир.

Область газетаси редакциясига кириб келганимизда, бугунги улкан шодиёнанинг маркази шу ерга кўчгандай туюлди, хоналарда телефон тинимсиз жиринглайди. Ҳар бир киши юрак ҳарорати, қалб севинчини матбуот орқали ифода этгуси келади албатта! Газетанинг тўртта саҳифасида ҳам область меҳнаткашларининг қувончини ифода этувчи материаллар берилган.

Редактор хонасида телефон нетма-кет жиринглайди:

— Ҳа, ҳа! Редакция, Бухородан! Салоом Шайх ака... Мақсуд Шайхзода ўз ҳаяжонини шъерда ифодалаб бухоролиқларга йўллабди:

Қовушди дарёлар: Аму—Зарафшон,
Йир-бирин топишган опа-сингилдек.
Нақадар қайғули бўлса-да, хижрон,
Висол қувончлидир эркин кўнгилдек.
Ортавер пахтамиз дадил бекайгу!
Ериг бор, сувинг бор, мураббинг бор-ку!

* * *

Ҳар ёғи туганмас ганжина экан,
Бухоро элининг азиз тупроғи.
Боғлари, чорвоси хазина экан
Бухоро элининг тенгсиз тупроғи,
Унги ҳам, астари ҳаммаси олтин;
Остида чин олтин, усти «оқ олтин!»...

* * *

Қардошлик меҳрининг зангор нафаси
Газ бўлиб оқарган дўст шаҳарларга,
Шунча фазилатлар ҳамма-ҳаммаси —
Келтирса Бухоро кўксига агар.
Бизнинг асримизнинг улуғ нишонин
Ленин орденини, илғорлик шонин —
«Мукофот қутлуғ!» деб қарсак чалайлик
Юрт бўйлаб ботирни қутлаб олайлик!

Бугунги катта шодиёнанинг тантанаси ҳукмрон бу ерда. Шаҳар стадиони одамлар билан лиқ тўла. Музика садолари, қўшиқ яллаларнинг зўр тўлқинлари, ёш-ялангларнинг аскиясининг қаҳ-қаҳаси еру-кўкка сиғмаётгандай осмон фалакка ўрмалаб нетяпти. Яна бир неча дақиқадан сўнг улкан тантананинг расмий маросими ўтказилади.

Бу зўр шодиёна мамлакат улкан тарихий воқеалар бусағасида турган бир пантда ўтмоқда. Бухоролиларнинг ҳам юрак сўзлари бор. Бунда улар улкан беш йиллиқда ҳам, жонажон Ватан, эл-юрт бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга аҳдлашганлар. Шунинг учун ҳам область меҳнаткашлари бугун: Партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофотига жавобан социалистик Ватанимиз учун, эл-юртимиз учун ҳормай-толмай меҳнат қиламиз, меҳнат самараларимиз олий мукофотга муносиб жавобимиз бўлади, демоқдалар.

Бугун Бухорода яна бир катта тантана. Кўҳна шаҳар осмонида катта авиация спорти байрами ўтказилади. Бу ерга СССРнинг 1965 йил абсолют чемпиони В. Крестьянников, спорт мастерлари П. Димитренко, Г. Шкряев, И. Кургановлар келишган. Улар орденли Бухоро область меҳнаткашлари олдида ўз маҳоратларинг намойиш қиладилар. Халқ қувончига қувонч, шодиёнасига шодиёна қўшилади. Азим шаҳар бўйлаб шодлик қўшиқлари янграйди. Эртанги кун эса янги зафарларга чорлайди.

С. КАРОМАТОВ,
Т. НАЗИРОВ.

«Совет Узбекистони» махсус мухбирларидан телефон орқали олинди.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

ЧЎЛГА ЧИРОЙ КИРМОҚДА

Зарафшон дарёсининг суви чўлга бошқарилганидан кейин яйдоқ дашт ўрнида минг-минг гектар пахта майдонлари, боғоғлар бунёдга келди. «Эски анҳор» совхози ташкил топди.

Илгари ерга дон сочиб, ғалла етиштиришдан бошқа касбни билмаган чўлликлар эндиликда пахтачиликни ҳам, боғдорчиликни ҳам қойил қилмоқда, 4 минг гектардан ортиқ майдонда «оқ олтин» етиштирмоқда.

Энди чўлқуварлар меҳмонни бозордан келтирилган мева билан эмас, ўз боғида етиштирилган ноз-неъматлар билан кутиб олишади.

Шу кунларда «Эски анҳор» совхозида кўчат экиш зўр ушоқлик билан бораётир. Яккабоғ ўрмончилик хўжалигидан кўчатлар келтирилди. Бу йил яна 5,5 гектар ерда мевали боғ барпо этилади.

Яккабоғ ўрмончилик хўжалиги ва унинг «Қизилсув», «Лангар», «Эгрисув» бўлимлари 1965 йилгача 197 гектар мевали боғ ва 577 гектар мевасиз дарахтзорларга эга эди.

Хўжаликда 1966 йил учун 1,5 миллион туп кўчат етиштирилди. Шундан 60 минг туп олма, 21 минг туп нок, 22 минг туп ўрик, 8 минг туп олча ва 89 минг туп мевасиз дарахт кўчати областдаги колхоз ва совхозларга сотилди.

Ўрмончилик хўжалигининг ишлаб чиқариш участкалари — Қамаши районидаги Карл Маркс номли, Чироқчи районидаги «Эски анҳор», Шаҳрисабз районидаги «Қишлиқ» совхозлари ва шу райондаги Свердлов номли колхозда ҳамда «Қизилсув», «Лангар», «Эгрисув» бўлимларида баҳорги кўчат экиш қизғин бораётир. Бу ерларда ҳозирдаёқ 45 минг туп ҳар хил мевали ва 15 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Беш йилликнинг тўғриғ йилида тағин 25 гектар ерда мевали боғ, 100 гектар ерда ноҳота дарахтзорлари барпо этилади.

Ҳисор тоғлари савлат тўкиб турибди. Юксак чўққилар қор кўрпасига бурканган. Унинг этагида эса баҳор. Тоғ этаклари бўйлаб олис-олисларга чўзилиб кетган дарахтзорлар Яккабоғ ўрмончилик хўжалигига қарайди. Кўмкўк ўрмонлар Ҳисор тоғларига кўрк бериб турибди. Тоғнинг бу қўркидан Қарши чўлларига ҳам нуса олинаётир. Ҳа, чўлга чирой кирмоқда...

Ш. СИДДИҚОВ,
Қашқадарё области.

УСТОЗ

Қудратли тепловоз улкан корпусдан аввал секин, кейин тезлигини ошириб чиқиб кетди. Тўладан келган аёл машинанинг орқасидан узоқ вақтгача кузатиб турди. Тепловоз корхонага кириш йўлидан Ўрта Осиё магистралининг катта йўлига чиқиб олди. Аёл ҳали ҳам уни зийраклик билан кузатмоқда. Ҳа, у шу топда ўз меҳнати сингган машинага завқ билан боқяпти.

Бу аёл ким? Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон-ремонт заводида бўлган киши унинг мақтовини, доғ-доврўгини оширган нарсалар нима эканлигини яхши билиб олади. Просковья Павловна Суворова корхонанинг тажрибали ва ташаббускор ишчиларидан. 15 ёшидаёқ темир йўл билим юртини тамомлаб, шу корхонада меҳнат қила бошлади. Улуғ Ватан урушигача бўлган йилларда, уруш вақтларида қанчадан-қанча машиналарга «жон ато» қилди. Ремонтчилар даврасида уни «икки нормачи» деб аташ одат бўлиб қолган эди. Етти йиллик топшириқларини ҳам олти йилдаёқ ортиғи билан адо этди.

Шу кеча-кундузда у тепловоз цехида электр пайвандчилар бригадасига моҳирлик билан бошчилик қилмоқда. Бригадирман деб қўл қовуштириб турадиганлардан эмас у. Ўзи ҳамиша шахсий намуна кўрсатиб, бошқаларни илғорликка ундамоқда. Яқинда беш йилликнинг дастлабки йили биринчи кварталы учун белгиланган топшириқни ҳам муваффақиятли адо этди. Смена нормаларини 135-140 процент бажараётган ўртоқ П. П. Суворова Ватанимиз пойтахти Улуғ Москвада бўладиган КПСС XXIII съездига делегат қилиб сайланган.

Корхонадан ремонт қилиб чиқарилган ҳар бир тепловоз Просковья Павловна учун алоҳида завқ бағишлайди. Чунки шу машиналарнинг тез ва сифатли ремонт қилинишига у ҳам ҳисса қўшган. У илғор ишчи, тадбиркор бригадиргина эмас, шу билан бирга актив жамоатчи, хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб борувчи моҳир ташкилотчи, коммунистик меҳнат зарбдори, кўп шогирдлар тайёрлаган устоз ҳамдир.

Ю. БАҲОДИРОВ.

БЎСТОН

Сирдарё область, Боёвут районидаги Мичурин номли боғдорчилик совхозининг 6-бригадасида 118 минг туп ноҳота дарахти ўтказилди. Абдусаттор Билолов бошлиқ тюпкочи звено ишчилари 36 минг туп ток қаламчаси ўтказдилар.

Чўл табиати ўжар, инжиқ. Асрлардан бери қақраб ётган ерда кўчат униши қийин. Боғбонлар ўтган йилларда экилиб, ўсмай қолган олма кўчатлари ўрнига яна 10 минг туп ниҳол ўтказишди. Бошқа хўжаликларга ҳам 1 миллион тупдан ортиқ кўчат сотилди.

Т. ҲИДОЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ КУНИДА ОВОЗ БЕРИШ ВАҚТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг истакларини эътиборга олиб, **қарор қилади:**

1. СССР Олий Советига сайлов кунида сайловчилар маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан кечқурун соат 10 га қадар овоз берадилар, деб белгилансин.

2. СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 9 январдаги фармони билан тасдиқланган «СССР Олий Советига сайлов ўтказиш тўғрисида Низом»нинг 74 ва 84-моддалари қуйидаги тарзда баён қилинсин:

«74-**модда.** Сайлов кунида сайловчилар маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан кечқурун соат 10 гача овоз берадилар».

«84-**модда.** Сайлов куни кечқурун соат 10 да участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилади ва комиссия сайлов қутиларини очишга киришади».

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1966 йил 19 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ВАКИЛЛИК НОРМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Миллатлар Советида иттифоқдош республикаларнинг вакиллигини кенгайтириш мақсадида **қарор қилади:**

1. Миллатлар Советига ҳар бир иттифоқдош республикадан 32 депутат сайланади, деб белгилансин.

2. СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 9 январдаги фармони билан тасдиқланган «СССР Олий Советига сайлов ўтказиш тўғрисида Низом»нинг 25-моддасининг иккинчи қисми қуйидагича баён қилинсин:

«Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов округлари қуйидаги нормада тузилади: ҳар бир иттифоқдош республикада 32 округ, ҳар бир автоном республикада 11 округ, ҳар бир автоном областда 5 округ ва ҳар бир миллий округда бир сайлов округи. Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи ҳар бир сайлов округидан бир депутат сайланади».

3. Мазкур фармон ва СССР конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 35-моддасини шу фармонга мувофиқ ўзгартириш тўғрисидаги таклиф СССР Олий Совети тасдиқига тақдим этилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1966 йил 19 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

19 мартда мамлакатда СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш бошланди.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети Президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда касаба союзлари марказий комитетлари ва советларининг раҳбарлари, касаба союзлари Москва шаҳар ва область комитетларининг, пойтахтдаги бир қанча корхоналар, фабрика-завод комитетларининг раислари, марказий ташкилотлар, ВЦСПС аппаратининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари қатнашдилар.

Президиум СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси составига Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг вакилини кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси составига пойтахт касаба союз ташкилоти номидан ВЦСПС Раиси В. В. Гришин кўрсатилди. Мажлисда сўзга чиққан В. В. Гришин унга кўрсатилган ишонч учун мажлисда ҳозир бўлган кишиларга миннатдорчилик билдирди. Шундан кейин у, КПСС XXIII съезди шарафига ва СССР Олий Советига бўлажак сайлов шарафига социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан касаба союз ташкилотларининг вазифаларига тўхталиб ўтди.

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси составига қуйидагилар кўрсатилди:

Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Москва шаҳар комитетидан — КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев. Украина Коммунистик ташкилотидан — Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. П. Ляшко.

СССР Фанлар академиясининг олимлари ва ходимларидан — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Б. П. Константинов.

Верх-Исетский металлургия заводи (Свердловск шаҳри) ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан — шу корхонадаги биринчи тунука прокат цехи вальцовкачисининг ёрдамчиси В. Г. Лушин.

СССР Ёзувчилар союзидан — РСФСР ёзувчилар союзи правлениесининг раиси СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, ёзувчи Л. С. Соболев.

Туркманистон ССРнинг Мурғоб районидаги «Комсомол» колхозидан — шу хўжаликнинг бош чўпони Ш. Мергенов.

Совет хотин-қизлари комитетидан — СССР космонавт учувчиси, совет хотин-қизлари комитети раисининг ўринбосари В. В. Николаева-Терешкова. (ТАСС)

ПЛАН ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

Узбекистон матлубот кооперацияси КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, тухум харид қилиш биринчи иварталы планини муддатидан олдин, 1966 йил 15 мартда бажарди.

46.826 минг дона тухум харид қилинди. Бу эса план топшириғидан анча ортиқдир. Тухум харид қилиш давом этмоқда.

БЕДАЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА

КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани қун сайин қизитаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари беда экиш планини ошириб бажардилар. Бу йил баҳорда 30 гектар майдонга беда уруғи экилди. Шундай қилиб, бедапоялар 120 гектардан ошиб кетди.

Шунингдек, Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари ҳам 46 гектар майдонга уруғ ташлаб, бедапояларни 102 гектарга етказдилар. Ҳар иккала колхозда ҳам эски бедапояларнинг гектаридан камида 70 центнердан ҳосил етиштириш учун қурашилмоқда. Янги бедапоялардан эса шу йилнинг ўзида гектар бошига 30 центнердан пичан ўриб олиш планлаштирилган.

АГРЕССОРЛАРНИНГ ХУНРЕЗЛИГИ ТЎХТАТИЛСИН

Самарқанд корхоналари, муассасалари ва ўқув юртларида оммавий митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бу митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари Вьетнам халқининг Америка империалистларига қарши олиб бораётган курашида улар билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар.

— Биз вьетнамлик қардошларимизнинг адолатли иши ғалаба қозонажагига ишонамиз, дейди «Красний двигатель» заводи механика цехи коллективининг митингида механик Н. Мальцев. — Америка империалистлари шарманда даларча маглубиятга учрайдилар. Улар ўзларининг қонли ваҳшийликлари учун жавобгарликка тортилишлари керак.

Самарқанд университети коллективининг митингида икки минг студент ва ўқитувчи қатнашади. Митингда қабул қилинган резолюцияда жумладан бундай дейилади: «Ҳатто химиявий моддалар қўлланишдан ҳам тоймаётган американлик агрессорларнинг ваҳшиёна жиноятлари бизни қаттиқ ғазаблантирмоқда. Бу, инсониятга қарши қаратилган жуда оғир жиноятларга дарҳол чек қўйиш керак. Бизнинг талабимиз шу».

(ЎзТАГ).

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси муҳокамада

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ...

ХУШХАБАРЛАР

Амударё қирғоқлари бўйлаб Қизилравот текислиги ёйилиб кетган. Унинг чегаралари Қизилқум саҳросига бориб туташади. Узанни ўзгартирувчи дарё бу жойларда жуда кўп унумдор лойқа қолдириб кетган. Ана шу жойларда ташкил қилинган «Қизилравот» совхози шоли етиштириш учун кўриқ ерларни ўзлаштирмоқда. Тўқайзор ва қамишзор бўлиб ётган ерлардан дастлабки етти юз гектери тортиб олинди. Ҳозирги вақтда тўқайлар тозаланмоқда. Янги массивлар текисланмоқда, суғориш тармоқлари қазилмоқда. Бу ерларга элликта насос Амударёдан сув чиқариб бериб туради.

Янги беш йилликда Қизилравот текислигида шолипоялар бунёдга келтириш учун бир неча минг гектар ерни ўзлаштириш мўлжалланган.

* * *

Тошкент экскаватор заводининг юк майдончасидан 5 та улкан машина узоқ сафарга жўнаб кетяпти. Улардан тўртласи Чехословакия бинокорлари ва ирригаторларига аталган, бешинчисининг адреси мана бундай: «Франция. Париж. Халқаро виставка».

«Э-352» маркали бу экскаваторларда «А» ҳарфи пайдо бўлди. Бу ҳарф экскаватор модернизация қилиниб, чўмичининг сиғими 0.25 кубметрдан 0,4 кубметрга етказилганлигини билдиради. Шунга мувофиқ, экскаваторнинг иш унуми ҳам ошди. Бир қатор узелларнинг конструкцияси яхшиланди. Чет элларга юборилаётган янги экскаваторларнинг афзаллигини совет механизаторлари синаб кўрдилар.

Ҳозирги вақтда Афғонистон, Польша, Ироқ, Монголия Халқ Республикаси, Бирлашган Араб Республикаси ва Голландияга экскаваторлар етказиб бериш тўғрисида бир қанча битимлар тузилган.

* * *

Олтиариқ районининг қўриқ ерларидаги «Намуна» колхозида Фарғона областида биринчи йиғма темир-бетон новлардан бир ярим километр узунликдаги канал қурила бошланди. Бу темир-бетон новлар заводда тайёрланган. Канал секундига 600 литр сув ўтказа олади. Ғўзалар суғориш пайтига келиб, канал ишга туширилади. Темир-бетон ўзан сувнинг ноёб бўлишига йўл қўймайди.

Фарғоналик ирригаторлар беш йилликнинг биринчи йилида 30 километр узунликда новли каналлар қурадилар.



Тошкент области, Олтинтопган полиметалл комбинатида мис маъдани қазиб олиб, уни тайёр мисга айлантирадиган корхоналар туркуми барпо этилди. Комбинатга қарашли 6 корхона коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номга сазовор бўлди. Комбинатнинг меҳнат аҳли партиямизнинг XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборди. Суратда: кондан саралаш фабрикасига маъдан ташиладиган осма йўл.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



Фарғона тўқимачилик комбинатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари жонажон партиямизнинг XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, унумли ишламоқдалар. Суратда: комбинатнинг тайёрлов цехи тасвирланган.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

ЯЙЛОВЛАР ЯШНАЙДИ

Совхозимиз давлат наслчилик заводи ҳисобланади. Бунинг боиси бор. Заводимизда қоракўл қўйларнинг энг яхши, сержун, гўштдор, терисининг гули антиқа зотлари етиштирилмоқда ва парвариш қилинмоқда. Совлиқларнинг деярли ҳаммасидан сур, жакет, антиқа, гули товланувчан тери берадиган қўзи олинаётир. Насл олиш учун қолдирилган зотдор қўзиларнинг бир қисми қўшни областларга, қардош республикаларнинг колхоз ва совхозларига тарқатиляпти. Бу билан хўжалигимиз шуҳрати тобора ошяпти.

Аҳил коллективимиз бунга ҳалол меҳнати туфайли эришмоқда. Бизда коллективимизнинг ҳар бир аъзоси масъулиятни чуқур ҳис қилади, топшириқни аъло даражада бажариш учун тинмай курашади, давлат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди, ишда бири-бирига ўргатади, бири-биридан ўрганади. Юз берган камчиликларни ўз жойида бартараф қилиш учун зарур чоралар кўрилади. Қўй-қўзилар йил — ўн икки ой кўз қорачиғидай асраладн. Ўрчитиш ва қўзилатиш кампанияларига ҳар йили олдиндан пухта тайёргарлик кўрилади ҳамда бу мавсумлар муваффақиятли ўтказилади. Совлиқларнинг қисир қолишига, бола ташлашига, қўй-қўзиларнинг ориқлаб нетишига, турли касалликларга чалинишига йўл қўйилмайди. Чорва моллар ўз касбини севган, ҳурмат қиладиган, яхши биладиган кишилар қўлидадир. Партия бюроси чорвачилик ходимлари ўртасида тарбиявий ишларни тобора кучайтирмоқда, социалистик мусобақага яхши раҳбарлик қилмоқда.

Шунинг учун ҳам давлат наслчилик заводимиз чорвачиликни ривожлантиришда йил сайин катта муваффақиятларга эришяпти. Ўтган йили давлатга қоракўл тери етказиб бериш ва насл учун қўзи қолдириш планлари ортиғи билан бажарилди. Ҳар юз бош совлиқдан ўртача 125 тадан қўзи, ҳар бир қўйдан 3,1 килограммдан жун қирқиб олинди. Топширилган терининг 81,3 проценти биринчи сортга ўтди. Шу жумладан 24,5 процент тери жакет навига қабул қилинди. Намунали хўжалигимиз давлатга пландаги 169 минг сўм ўрнига 210 минг сўм соф фойда берди. Бу, маҳсулотни кўпроқ юқори сортга топшириш, уни етиштиришга кам меҳнат ва маблағ сарфлаш ҳисобига бўлди. Маҳсулот таннархи аввалги йилдагига нисбатан 30 процент арзонлаштирилди. Чўпон-чўлиқларга 57 минг сўм миқдорида қўшимча ҳақ тўланди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида «маҳаллий шароитда меҳнат ва материалларни энг кам сарфлаган ҳолда, маълум майдонлар бирлигидан энг кўп ем-хашак олиш имконини берадиган озуқабоп экинлар етиштиришни кўпайтириш» кераклиги таъкидланади. Бунинг учун ҳар бир колхоз ва совхозда катта имкониятлар бор. Бизнинг давлат наслчилик заводимизни олиб қарайлик.

Ем-хашак асосан заводимизга бириктиб қўйилган яйловларда етиштирилмоқда. Қўйларимиз боқилаётган Қоракўмда 5 минг гектар ерда саксовул ўстириляпти. Бу — ҳам ихота дарахтзорлари ролини ўйнайди, ўтлоқларни кўчма қумларнинг босиб қолишидан сақлайди, ҳам молларга яхши озуқа бўлади. Қоракўл қўйлар саксовул кўчатини иштаҳа билан ейди. Шунга кўра, саксовулзорлар янада кенгайтирилади. Ўтган йили 800 гектар майдонга саксовул уруғи ташланди. Бунинг учун ортиқча маблағ сарфланмади. Уруғликни ўзимиз етиштирдик.

Бизда кўп чиқимга йўл қўймаган ҳолда бошқа озуқабоп экинлар ҳам етиштирилмоқда. Похолини молларга хашак сифатида едириш, донидан ем сифатида фойдаланиш мақсадида ҳар йили яйловда натта-катта майдонларга арпа, изень каби тўйимли озуқабоп экинлар экилади. Шу сабабли бизда чорва молларнинг озуқа базаси доим мустаҳкам. Ҳозир 12 минг тоннадан кўпроқ дағал хашагимиз, 650 тоннага яқин емимиз бор. Ўтган йили кузда 1200 гектар ерга арпа, наттагина майдонга изень экилди. Бу экинларнинг уруғлари ўзимиздан чиқмоқда. Шунга кўра, бу қимматли озуқаларни етиштириш бизга арзонга тушяпти.

Дашт инсон измида. Яқин келажакда Қарши даштига ҳам сув келади. Бу эса бизга озуқабоп экинларни кўпроқ экиш ва унинг хилма-хилларини ўстириш имконини беради. Шуни ҳисобга олиб, биз яйловда натта-катта майдонда беда пичани етиштиришни планлаштирамиз. Ҳозир тажриба тариқасида анча майдонга беда экяпмиз. Бизнинг яйлов шароитида беда бир марта сув ичса ҳам яхши ўсаверади. Эрта баҳорда қатор оралари чуқур юмшатилса қор ва ёмғир натижасида тўпланган нам яхши сақланади. Чунки беда илдизлари намни бугланишдан сақлайди. Яйлов кўкаламзорлашади.

Бу тадбирни республикамиздаги ҳамма яйловларда ҳам амалга ошириш мумкин. Лекин баъзи чорвадор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари моллари боқилаётган ўтлоқларда озуқабоп экинлар етиштиришга, айниқса арпа, беда каби сервитамин экинлар экишга иккиланиб қарайдилар. Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз бунинг асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. Арпа ва изень экинлари, шунингдек беда ҳар қандай ерда ҳам яхши ўсади ва мўл ҳосил беради. Шунинг учун яйловларга турли хил ва тўйимли озуқабоп экинлар экишни дадил қўлланиш керак. Чорва молларнинг озуқа базасини мустаҳкамлашда, ёғингарчилик кам бўлиб, яйловларда табиий ўтлар яхши ўсмаган йилларда қўй ва эчкиларни ҳамда бошқа моллари ем-хашак билан етарли таъминлашда бунинг аҳамияти катта. Буни сира унутмаслик, келажакни ўйлаб, истиқболни кўзлаб иш тутиш керак.

Наслчилик заводимизнинг беш йиллик плани бўлади. Ана шу планга мувофиқ, бу йил ҳар юз бош совлиқдан камида 126 тадан қўзи олинади. 18825 бош қўзи насл олиш учун қолдирилади. Давлатга 20050 дона қоракўл тери етказиб берилади. Териларнинг 90 процентини биринчи сортга, шу жумладан, 35 процентини жакет навига ўтказиш тадбирларини кўрамиз. Яқин кунларда қўзилатиш мавсуми қизғин бошлаб юборилади. Бу кампанияни бенамон-кўст ўтказиш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Қўзилатиш вақтида чўпонларга ёрдам бериш учун кўшимча кишилар ажратилди ва улар ўқитилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи коллективимиз қўлида сақланмоқда. Ишчиларимизнинг руҳи жуда баланд. Улар қоракўл қўйлар туёғини ҳар йилдагидан ҳам кўпайтириш, моллар маҳсулдорлигини тобора ошириш, беш йиллиннинг дастлабки йили вазифаларини тўла-тўкис ва аъло даражада адо этиш, шу тариқа кўчма Қизил байроқни яна ўз қўлларида сақлаб қолиш, КПСС XXIII съездини меҳнатда янги зафарларга эришиш билан нишонлаш учун ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Наслчилик заводи коллективи эришилган ютуқларни кўпайтириш учун ҳамма чораларни кўради.

М. ОЛЛОЕРОВ,
Қашқадарё областидаги «Қоракўм» давлат наслчилик заводининг директори.

МУАММОЛАР

Ишлаб турган корхоналардаги танг жойларни тугатиш, ишлаб чиқариш процессларини жадаллаштириш, технологияни такомиллаштириш, сменалар коэффициентини кўпайтириш ва асбоб-ускуналарнинг бекор туришини йўқотиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш узлуксиз кўпайтириб борилсин.

(Директивалар лойиҳасидан).

Ҳозирча бундан кейин ишимиз қандай боришини аниқ билмаймиз. Яқинда Егочсозлиқ ва целлюлоза саноати министрлиги қарамоғига ўтдик. Янги бошқарма — гидролиз ва оқсил-витамин саноати бошқармаси қарамоғига топширилсак ҳам ажаб эмас...

Фарғона фуран бирикмалари химия заводи ишлаб чиқаришт-техника бўлимининг бошлиғи Марина Александровна Ходич сўзининг бошида маъмурий қарамлик ҳақидаги жуда муҳим проблемани ўртага ташлади. Шундан кейин корхонада ҳал қилиниши лозим бўлган каттакичик масалалар кўплиги маълум бўлиб қолди.

Фуран бирикмалари заводи Фарғонадан ташқари жойларда ҳам маълум. Аниқроғи, корхона ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар хили жиҳатидан Иттифоқда ягона. Бу ерда маҳсулотлар хилма-хил ассортиментда кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги вақтларда айрим маҳсулотларни, масалан, ксилитанни сотиш қийин бўлиб қолди. Бора-бора уни ишлаб чиқаришни камайтириш лозимлигини турмуш тақозо қила бошлади. Унинг ўрнига нима ишлаб чиқариш керак? Бунинг ҳам йўли топилди. Ксилитан ўрнига олиф тайёрлашда қўлланиладиган ўсимлик мойи ўрнини боса оладиган ксилит-кристалларини ишлаб чиқаришга қарор қилинди.

Актив кўмирга эҳтиёж кўпаймоқда. Турли корхоналар буюртма бераётирлар. Заводда бундай актив кўмир ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имкониятлар мавжуд. Уни лигниндан тайёрлаш мумкин. Шу мақсадда янги цех қурилиши учун лойиҳа тайёрланмоқда. Қисқаси, областда кўплаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тез ўзлаштираётган бошқа шундай корхонани учратиш қийин. Бу жуда яхши. Кўринишда жуда оддий туюладиган чигит шелухасидан ўнлаб хилма-хил маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Ҳозирги вақтда завод «ўгай» бўлиб қолди. Егочсозлиқ ва целлюлоза саноати министрлиги мураккаб химия корхонасининг иши билан чинакамига шуғуллана оладими? Мутахассисларнинг фикрича, ҳатто министрлик билан алоқа ўрнатиш ҳам амримаҳол. Биргина мисол келтириб ўтиш ўринли бўлар. Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқ хўжалиги учун жуда муҳим бўлган янги хил маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши лозим. Бироқ маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ҳали ўзлаштирилмаган. Бунинг учун ускуналарни ишга тушириш ва созлашда зарур бўладиган воситаларнинг йўқлиги асосий гов бўлиб турибди. Министрлик корхонага шундай ускуналарнинг учдан бир қисмнигина ажратди. Қолган икки қисмига эса рухсат берилмаяпти.

Корхона гидролиз ва оқсил-витамин саноати бошқармаси ихтиёрига ўтказилгач, корхонанинг тақдири қандай бўлишига ҳайронмиз. Келгусида шундай бўлиши ҳам ажаб эмасга ўхшаб қолди.

— Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, — дейди М. А. Ходич, — янги корхоналар маълум хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришмизда манфаатдор бўлади. Асосан чорвачилик учун озуқа ачитқиси ишлаб чиқаришга ўтилса қандай аҳвол юз беради?

Шунда катта бир коллективнинг ишлаб чиқариш фаолияти бутунлай бошқа бир изга солиб юборилган бўлур эди. Натижада жуда кўп маблағ исроф бўлар, давлатга қанчадан-қанча зарар келар эди. Фарғона фуран бирикмалари химия заводининг эҳтиёжлари билан шуғулланадиган штаб борми? Бор! Бу — химия саноати бошқармаси. Завод раҳбарлари бошқармага ўз фикрларини ёзиб юборишди. «Фуран бирикмалари» деган сўзлар заводимиз номига қўшилганлиги сизни таажжублантирмасин, бизнинг коллективимиз умуман шу бошқармага қараши керак. — Ана шундай мазмунда ёзилган хатга химия бошқармасидан маъмурий тарзда қуйидагича жавоб олинди: «Бошқармамиз рўйхатида бунақа завод кўрсатилмаган».

Корхоналарнинг маъмурий қарамлиги масаласи оддий бир гап эмас. Ҳозирги вақтда шу масала фуран бирикмалари заводи учун кўп қийинчиликлар туғдирмоқда. Маълумки, бир масала иккинчи масалани келтириб чиқаради. **Қайси министрликка қарам эканлиги номаълум бўлган коллектив келажакда нима иш қилишини билмай турибди. Бу ҳол планлаштиришнинг аниқ бўлишида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда, коллективнинг ўйлаб қўйган ташаббус ва тадбирларини амалга оширишда ўз аксини топади. Хом ашё масаласи ҳам тўла ҳал этилмаган. Бу йил ўтган йилдагига қараганда хом ашё етказиб бериш жуда кам белгиланган.** Министрлик эса заводга хом ашё масаласида дурустгина ёрдам кўрсатмаяпти.

Директива лойиҳаларида ускуналарнинг бекор туришига чек қўйилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтириб бориш лозимлиги қайд қилинган. Бу ҳар бир корхонанинг энг муҳим резервидир. Лекин фуран бирикмалари заводида нималар содир бўляпти денг: эндотал ишлаб чиқариш цехи қуриб битказилди. Қурилиш 880 минг сўмга тушди. Дастлабки маҳсулотни тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу вақтда олимлар ўртасида эндоталдан фойдаланиш керакми-йўқми деган масалада узоқ муддат тортишув бўлди. Шунинг оқибатида цех яқинда тўхтатиб қўйилди. Фақатгина ускуналарнинг амортизация харажатлари учун ажратилган маблағлар корхонага йилига 70 минг сўм зарар келтиради. Йил охирига бориб малеин ангидриди тайёрлайдиган цехда ускуналарни ишга тушириш мақсадида созлаш ишлари бошлаб юборилиши лозим. Худди шу ангидриднинг ўзи эндотал ишлаб чиқаришда ишлатиладиган компонентлардан бири ҳисобланади. Хўш, малеин ангидридини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳам дейлик. Ахир уни кимга сотишади? Шу масала ҳали ҳам муаммолигича турибди.

Химиклар даврасида ҳал бўлмаётган яна кўп масалалар бор. Фақат бу ерда улардан асосийлари ҳақида фикр юритдик. Мақоланинг бошланишида Директива лойиҳасидан келтирилган сатрлар диққат билан кўздан кечирилса, завод шу кеча-кундузда қандай аҳволда қолганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Корхона ҳозиргача жуда яхши ишлаб келди, бундан кейин ҳам шундай ишлаши зарур. Бунинг учун заводга ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш керак.

Г. БАНКЕТОВ,
Фарғона шаҳри

САВДО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланиши, харид қувватининг ошиши билан уларнинг саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда. Республика савдо хизмати ходимлари буни ҳисобга олиб, аҳолига янада яхшироқ хизмат кўрсатиш тадбирларини белгиламоқдалар. Кейинги йилларда савдода илғор иш усулларини кенг қўлланиш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш ва уларни тўлароқ қондириш учун курашиш натижасида меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатиш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Буни биз етти йиллик якунларида аниқ кўрамиз. 1958 — 1965 йилларда савдо корхоналари сони 3627 тадан 5528 тага кўпайди. Уларда 1958 йилда 7169 киши ишлаган бўлса, 1965 йилга келиб 13650 киши хизмат кўрсата бошлади. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида ўринлар сони 45686 тадан 112219 тага кўпайтирилди. Савдо тармоқларининг кенгайиши билан товар оборот ҳам ўсди. Етти йиллик давомида товар оборот плани 66 процентга ортди. Ўтган йилнинг ўзида аҳолига пландагидан 18,5 миллион сўмлик кўп маҳсулот сотилди.

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари белгиланган. Республика савдо ходимлари съезд Директивалари лойиҳасида белгиланган топшириқларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашиб, савдо хизматини янада яхшилаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун курашмоқдалар. Янги беш йилликда 390 магазин, 212 умумий овқатланиш корхонаси қуриш мўлжалланади. Шаҳарларда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўзига ўзи хизмат кўрсатиш йўли билан савдо қилувчи 35 та магазин очилади. Шунингдек, ҳаридорнинг танлаб мол олишига имконият туғдирадиган 60 та магазин ишга туширилади. Булардан ташқари, шу йил давомида давлат савдоси йўли билан 103 та ихтисослаштирилган магазин аҳолига хизмат қила бошлайди. Умумий овқатланиш корхоналари тармоғи ҳам кенгайтирилади.

Ўзбекистон ССР давлат савдоси ходимлари активининг 18 мартда Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида ана шундай қувончли рақамлар айтиб ўтилди. Кенгашда Ўзбекистон ССР савдо министрининг биринчи ўринбосари В. П. Виноградов республика давлат савдосининг 1965 йилдаги ривожланиш якунлари ва 1966 йилги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар савдо маданиятини оширишга, мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган қимматли фикрларни айтдилар.

Кенгашда республика давлат савдоси ходимларининг 1966 йил учун социалистик мажбуриятлари қабул қилинди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. Г. Ломоносов қатнашди.

Р. РАҲМОНОВ.

ВЕТЕРОК БИЛАН УГОЛЕК ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИ

Ветерок симлар, шланглар ва датчиклар асоратидан биринчи бўлиб кутқарилди. Маза қилиб эснаб, тамшаниб бўлганидан кейин оқ халатли ўз меҳрибонларини таниб олди. Космосда у билан уч ҳафта саёҳат қилган дўсти — Уголек билан эса, эксперимент ҳали давом этмоқда эди. Жониворларни қабул қилиб олиш билан шуғулланаётган космонавт—врач Борис Егоров ва бошқа врачлар билан лаборантлар группаси датчикларни аппаратларга улаб қўйиб, ит ўзини қандай ҳис қилаётганлиги тўғрисидаги аниқ маълумотларни тез ёзиб олмоқдалар. Мана, Уголек ҳам «ҳисоб бериб бўлди». У ўзининг жонига теккан тўқимадан қутулишни сабрсизлик билан кутмоқда.

Врачлар, лаборантлар, техниклар асбоблар орқали қайд қилинган маълумотларга баҳо бериб, табассум билан бир-бирларини, галаба муборак, деб қутлайдилар. Ветерок билан Уголек ўзини яхши ҳис қилаётган бўлса ҳам, ҳозирча улар дам олиши керак. Энди уларга алоҳида жой, ер юзида ажратиб қўйилган жой тайинланган. Ҳар бир итнинг ўзига хос кичкина хонаси бор. Бу хоналарнинг эшигига: «Ветерок», «Уголек» деб ёзиб қўйилган. Улар чўмилтириладиган тоғораларга ҳам шундай деб ёзиб қўйилган Сал фурсатда улар чўмилтирилса керак.

Борис Егоров саёҳатчиларни биринчи марта кўриб чиқканидан кейин кўлини ювиб бўлар-бўлмас, итларни кузатишда ҳозир бўлган журналистларнинг таклифи билан шу жойнинг ўзидаёқ кичикроқ кўчма матбуот конференцияси ўтказади.

Биринчи савол: асбоблардаги маълумот қандай, космоса саёҳат қилган итлар ўзини қандай ҳис қиляпти?

Егоров жавоб бериб айтдики, бугун бизнинг биринчи қилган ишимиз контейнерларни сиртдан кўриб чиқишдан иборат бўлди. Дўстларимиз ўзлари кемада яшаган контейнерлар билан бирга Москвага олиб келинган эди. Контейнерларни очиб, уларнинг либосини, датчиклар қандай ҳолатда эканлигини кўриб чиқдик. Уч ҳафта давом этган вазнсизлик сеансидан кейин итлар биринчи қадамларини қандай қилиб қўйишларини кузатиш жуда мароқли бўлди.

Кейинчалик биз, деди Б. Егоров, космосдан учиб қайтиб тушган қахрамонларнр атрофлича текшириб кўрамиз. Итларнинг юрак-томир системаси, марказий нерв системаси қандай ҳолатда эканлиги бизни айниқса қизиқтиради. Улар бизнинг еримиздаги «вазили» ҳолатга яна қандай кўникишларини кузатиб бориш биз учун аҳамиятли.

Экспериментнинг якунловчи натижалари тўғрисида гапириш ҳозирча қийин, дейди Егоров. Шу нарса равшанки, эксперимент муваффақиятли ўтди, бу эса — олимларимиз, инженерларимиз, врачларимизнинг катта галабаси. Биринчи кузатишларнинг ўзиёқ тирик организмнинг вазнсизлик шароитида узоқ вақт яшаши мумкин, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Савол: итлар космосда ҳали текширилмаган ва энг хатарли бўлган радиация минтақалари районида учганлиги уларга таъсир қилмасмикин, шуни бизга айтиб бергансиз.

Жавоб: сунъий йўлдош «Космос-110» ҳақиқатан ҳам радиация минтақасидан ўтди. Ерда қабул қилиб олинган маълумотларни ҳали ишлаб чиқиш керак. Ҳар ҳолда биринчи қараша организмда ҳеч қандай бузилиш бўлмаганлиги кўринib турибди.

Савол: Бугун итлардан олинган электрокардиограммага сиз қандай баҳо берасиз?

Жавоб: электрокардиограмма бизда яхши таассурот қолдирди. Паталогик ўзгаришлар бўлмаяпти. Биз бу спекторни сунъий йўлдошдан қабул қилиб олинган спектор билан таққослаб кўрганимиздан кейин, узил-кесил хулосалар чиқарамиз.

Мухбирлар учиш вақтида бирор кутилмаган ҳодисалар рўй бергани йўқ, деб жавоб берадилар.

Кўнгилсиз ҳодисалар рўй бергани йўқ, деб жавоб беради Егоров. Лекин битта жуда кўнгилли ҳодиса рўй берди. Итлар яна ерга қайтиб тушганлиги тўғрисидаги биринчи хабарни эшитиб, уларнинг соғломлигини эшитиб хурсанд бўлдик. Бизни хурсанд қилиши лозим бўлган асосий воқеалар энди бўлади. Учиш тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиш вақтида биз ўзимизни хурсанд қиладиган маълумотларга эга бўламиз, деган умиддаман.

Савол: Ветерок билан Уголек ўз эгаларини — врачларни ва лаборантларни танидими?

Жавоб: Таниди деб ҳозирча айтолмайман, лекин бир оз кейинроқ бегона одамлар кетганидан кейин улар эгасини таниб олса керак.

Журналистлар итлар билан ўтказилган эксперимент натижаларини космонавтларнинг бундан бўёнги парвозига қай даражада татбиқ қилиш мумкин, деб савол беришди.

Итларнинг организми, деди врач-космонавт, одам организмидан бутунлай фарқ қилади, албатта. Лекин уларнинг организмлари учун умумий бўлган функциялар ҳам оз эмас. Эксперимент вақтида биз мана шуларга алоҳида эътибор бердик. Ветерок билан Уголекнинг «космик ҳисоботлари» одамнинг космосда бундан бўён узоқ вақт учиши қай таҳлитда бўлишини белгилаб олишимизга ҳеч шубҳасиз имконият беради.

Итлар ерга қўниши билан биринчилар қаторида уларни кутиб олган врач Сергей Николаев мана шу тўқинлантирувчи ҳодисани журналистларнинг илтимосига биноан ҳикоя қилиб берди.

Биз, — деди у, Ветерок билан Уголекни вертолётда кутиб олдик. Туширилаётган аппаратни жуда тез топиб олдик. У бут-бутун эди. Аппаратни оҳиста қўндириш муваффақиятли чиқди. Унинг қопқоғини очдик. Итлар шикастланмаганлигига қаноат ҳосил қилдик. Еруғ нурга ўрганмаган ва одамларни эсдан чиқариб қўйган итларнинг кўзлари қуёш нурида ярқираб кетди. Дастлаб биз ичида Ветерок бўлган контейнерни чиқариб олдик. Контейнернинг ҳаво қабул қилиб оладиган жойидан ер юзидаги чинакам кислород кирганлигини ҳис қилган ит бизга, ҳатто, жилмайиб қарагандай бўлиб кўринди.

Уголекнинг ҳам вақти чоғ эди. Биз итларни вертолётга олиб қўйдик, сўнгра улар билан самолётда яна бир марта саёҳат қилишга тўғри келди. Қаҳрамонлар Москва кўчаларида «Раф» деган кичкина микроавтобусда олиб ўтилди. Москвада одамлар бу итларни кутиб олмаганлигига қарамай, улар ўзларини врачлар, лаборантлар, техниклар — оқ халатли кишилар жуда зориқиб кутаётганлигини билар эди.

И. ЖЕЛЕЗНЕВ.
(ТАСС мухбири).

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ — ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

ШУҲРАТ ТОЖИНИНГ КАВАЛЕРИ

Назир САФАРОВ.

ОЧЕРК

Шерпен мактабининг ўқитувчи ва ўқувчи ёшлари билан бўлган учрашувимиз унутилмас бўлди. Куз ҳавоси бўлишига қарамасдан кун кулиб турарди. Кенг мактаб ҳовлиси ўқувчи ёшлар, колхозчи ота-оналар билан лиқ тўла. Ленин, Суворов, Қизил Байроқ орденли Херсон номли ўқчи дивизиясининг собиқ штаб бошлиғи гвардиячи офицер Свиридов Шерпенни озод қилиш ва Ясси — Кишинев операциясини тайёрлаш вақтида бўлиб ўтган қонли жанглар тўғрисида ўз хотираларини ёшларга қиноя қилиб берди. Ўз навбатида мен ўзбек халқи, ўзбек ёшларининг меҳнати, ўқиши, бахтиёр ҳаёти тўғрисида, Молдавия ерини, жумладан Шерпенни озод қилишда жонбозлик кўрсатган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Боис Эргашев, Камол Жамолов, Нарзи Ражапов ва бошқа жангчиларнинг фашист босқинчиларга қарши олиб борган курашлари тўғрисида гапирдим. Нарзи Ражапов Бухоро хонлигининг фахш ҳукмдори жаллод Амир Олимхон тахтдан қувланиб, амирлик зулмидан жафо кўрганлар қўшрагига шамол теккан йилда туғилган эди. Гарчи, Нарзи Бухоро амирлиги ва унинг қўлига зулм ханжарини тутқазиб қўйган ислом пешволарининг фитна, ҳасад, найранглари орқасида меҳнаткаш халқ бошига тушиб келган ҳад-ҳисобсиз жабр-жафо, хун-ноҳақликларни ўз кўзи билан кўрмаган бўлса-да, инқилобчи ва машҳур совет ёзувчиси Садриддин Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Қуллар», «Судхўрнинг ўлими» ва бошқа китобларини ўқиган. Ота-онаси замондошлари бошларидан кечирган оғир қисмат Нарзининг кўзини очиб қўйган эди.

❋

Улуғ Ватан уруши солномасига назар ташлаган ҳар бир киши Корсунь Шевченковский томонида бўлиб ўтган қонли жангларни тезда эсга ола билади. Узоқка чўзилган қирғин жанглардан сўнг немис қўшинлари қуршовимизга тушиб қолган эди. Биз немисларни таслим бўлишга чақирдик. Қайсар гитлерчилар бош тортдилар. Шунда биз бўйин эгмаган фашистларни янчиб ташлашга мажбур бўлгандик.

Ҳалқага тушиб қолган душман ўлармон хўкиз болтадан тоймас қобилида қуршовнинг турли участкаларидан танклари ёрдами билан қарши ҳужумга кўтарилди. Танклар гугурт қутиси сингари ёниб, душман ўликлари қалашиб қоларди. Немислар бор кучини йиғиб учинчи марта яна қарши ҳужумга кўтарилганда, бизникиларни анча-мунча шошириб қўйди. Ҳатто ўқчиларимиз чекинишга юз тутдилар. Душман халқани ёриб чиқиб кетишга жонжаҳди билан уринарди. Нарзи Ражапов худди ана шу танглик чоғида ажойиб мардлик ва маҳорат кўрсатди. У пулеметини қулай жойга олиб чиқиб, немис пиёдаларини мергакларча ўққа тутди, уларни танкларидан ажратиб қўйди. Ҳатто танк тешигини мўлжалга олиб, танкчини ҳам сафдан чиқара олди. Немислар ваҳимага тушиб, жонини қутқазиш пайида тум-турақай қоча бошлади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бизнинг ўқчиларимиз ўзларини ўнглаб олган эдилар. Елгиз Нарзи Ражапов ўқидан қирққа яқин гитлерчи ер тишлаб қолганлиги «мукофот варақаси»да алоҳида уқтирилганди.

Украина республикасининг пойтахти Киевни озод қилиш учун тўкилган қон, берган қурбонларимизни ҳеч қачон унута олмаймиз. 1944 йилнинг 5 март куни Рижановка қишлоғи ёнида немис мудофаасини ёриб ўтиш жанги қизиб турган бир вақтда пулеметчи Нарзи Ражабов яна бир ажойиб маҳорат ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган эди. У мустақил ҳаракат қилиб душман мудофаасининг ён томонига ўтиб олади. Гитлерчилар зарба қутмаган нуқтадан туриб пулеметидан очган ўти билан фашист босқинчиларини саросимага солиб қўйди. Душман сафида рўй берган парокандалик бизга катта омад келтирди, полк аскарлари бир ҳамла билан Рижановкани эгаллаб олдилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги тавсияномасида ёзилган бу жанг эпизодлари Нарзи Ражапов нинг нақадар хилма-хил фазилатларга бой, маънавий дунёси юксак эканлигидан далолат бериб турибди.

❋

Мана биз Негурини-Веки қишлоғини сўроқлаб бормоқдамиз. «Молдава Сочиалистэ» республика газетасининг бўлим бошлиғи Евгений Ясинский ҳамда Молдавия радиосининг ходими Леонид Рейтих ўртоқлар бу ҳайрли сафарда менга ҳамроҳ бўлдилар.

Молдавия иқлими Ўзбекистонимиз ҳавосига жуда ҳам ўхшаб кетар экан.

Ўзбек ўғлони қўрқмас Нарзи Ражапов ўзининг йигирманчи баҳорини худди шу водийда тугаллаган эди... Ҳа, Нарзининг қирқ тўртинчи йилда бу ерда кечирган дамлари гарчи мавсум эътибори билан баҳорни эслатса-да, аслида молдавон ўлкасининг баҳори маҳв этилган эди. Бу гулшанни баҳор кушандалардан тозалаш, маҳв этилган Молдавия баҳорини тиклаш, молдаван халқига абадий баҳор келтириш мақсади Нарзи ва унинг қуролдош дўстларини бу ўлкага бошлаб келган эди.

— Ясси — Кишиневда бошланган пўртана ҳали тинган эмас, — дерди ўзига-ўзи, «максимка»сига парвона бўлиб Нарзи. — Ҳа сезилиб турибди, Гитлернинг осонлича бўйин эгмаси йўқ. Бу йўлни эгиб қўйиш керакми? Керак албатта!.. Бунга, энди бизнинг қурбимиз етади. Хотирлари жам бўлаверсин!

Нарзи бўлажак жанг тўғрисида ўйларди. Айниқса, кеча рота сиёсий раҳбари ўтказган суҳбати қизил аскарларни ҳушёр қилиб қўйган эди... Иккинчи, учинчи Украина фронтлари қўшинлари қаршисида, немисларнинг олтинчи, саккизинчи, руминларнинг учинчи ва тўртинчи дала армиялари турганини Нарзи ҳам шу суҳбатдан билиб олган эди. Душман қўшинларининг шу райондаги сони 900 мингдан ошар экан. Қарийб бир миллионга яқин бу қўшин ихтиёрида 7818 тўп ва миномёт, 404 танк, 810 самолёт шайланиб турганмиш. Мудофаа иншоотлари 800 километр масофага чўзилганидан хабардор бўлган Нарзи: «Ҳа, Гитлер бўйин эгмаётганича бор экан... Билиб қўйганимиз яхши бўлди. Қаршингдаги душман кандай номаъқулчиликлар қилишга қодир эканлигини билиб қўйсанг, гафлатда қолмайсан.., Ҳечқиси йўқ. Москва остонасига етиб олгунча бор бисотини «гартким» урган немисинг, оқибатда ноумид бўлиб ғарбга томон шаталоқ отиши қизил қўшин ининг зарби эди. Бу ёғи ҳам худди шундай бўлади. Буларнинг қочиб борадиган ери Берлинми? Шошмай тур ҳали! Катта томоша ўша Берлинингда бўлади. Гитлер — Гиббельсларингни ўша ерда маймун қилиб, ўйнатишимизни томоша қиласан! Ҳа, бизнинг кўчамизда бўладиган байрам яқинлашиб колди. Уруш тугайди. Байрам, албатта бўлади. Менинг Хумин қишлоғимда ҳам байрам бўлади, албатта. Ҳамма уй-уйига қайтади, мен ҳам қайтаман. Онамни соғ-саломат кўрсам бўлгани. Кекса мушфиқ онамнинг ҳоли нима кечди экан?.. Мен онамни шунча ўйлаяпман-у, онам бечора менинг тўғримда ўйлайвериб, не ҳолларга тушмади экан?.. Еши қайтиб, менга суяниб қолган эди. Энди унинг суянадигани кими бор? Кундузлари-ку колхоз ишига боқишиб, кунини кеч қилар-а. Кечаси нима қилади? Онамнинг кўзига уйқу келармиди? У ҳойнаҳой кечалари ойга кўз тикиб мени ўйлар; эҳтимол, ой-юлдузлар билан суҳбат қилиб, узун кечаларни уйқусиз ўтказар?!»

Нарзи қоронғи окопдан кўзини олиб, энди кўтарилиб келаётган ойга боқди. Ой атрофини қуюқ қора булутлар ўраб олган. Ой булутлар қамалидан чиқиш учун югурар. Лекин булутлар ёпирилиб, ой йўлини тўсади, қамалдан чиқиб кетишга йўл бермайди.

— Ой биз бўлсак, булут фашистлар, — деди болаларча мушохида қилиб Нарзи. Ой нур сочади, булут унинг нурини тўсмоқчи бўлади. Барибир тўсолмайсан! Ана айтмадимми, — деди ўзича мамнун бўлиб ойнинг қуршовдан чиқиб кетганини кўрган Нарзи. — Э, шунча булут қаёққа ғойиб бўлди? — дея осмон фалакка кўз югуртирди у.

Тўлин ой чарақлади. Унинг зиёсидан ер юзи сутдек. Ҳатто Нарзининг қоронғи окопи ҳам ёришиб кетган эди.

Нарзи чўнтагидан газета олиб, ухи ойдинга тутиб саҳифаларига кўз югуртирди. Сарлавҳалардан бошқа сатрларни ўқиш қийин бўлди. У, кундузи бу газетага кўз югуртириб чиққан бўлса-да, ўқиб чиқишга фурсат тополмаганди. Газета хабар қилишича, ўзбек халқи мамлакатга бир миллион тонна пахта етказиб беришга қасамёд қилган. Шу муносабат билан бир нечта комсомол қизлар, жумладан андижонлик комсомол қиз Эъзозхон Исроилова звенога бош бўлиб гектаридан эллик центнер пахта етказиш учун сўз берган ва бошқа йигит-қизларни мусобаҳага чақирган.

Бу хушхабардан Нарзи руҳланиб кетди. «Ҳа, уларнинг ёрдамларисиз фронтдагилар нима ҳам қила оларди. Пахтаю дон, ёғу гўшт, кийим-кечакдан тортиб, ўқ-дори, танк-самолётгача ҳамма нарсани улар етказиб бериб турибдилар. «Бу қизлар орасида «М» ҳам бормикин?» деган ўй Нарзининг хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетди. Уруш тезроқ ғалабамиз билан тамом бўла қолса эди. «М» билан бирга ўқисак, ишласак, рўзғор тузиб, кекса онамни тиндирсак, дуоларини олсак...

❋

Мана окоп. ДОТлар ёнидан ўтиб Негурини-Веки қишлоғига кириб бормоқдамиз. Ким билсин, Нарзи бу окопларнинг қайси бирида ўтириб олиб ёш-асос кўнглини забт этган ўша хумилик қиз тўғрисида гаплашиб ширин хаёллар сурган? Қани, энди Нарзи билан ёнма-ён туриб жанг қилган, унинг билан сирдош биронта қуролдош дўсти топилиб қолса-ю, уларнинг мукаммал қиссалари азиз китобхонларга армуғон қилинса.

Афсуски, Негурини-Веки қишлоқ аҳолиси орасидан ҳам Нарзи билан таниш кишини тополмадик. Номи қишлоқ бўлса-да, бу қишлоқ учун қариб беш ой жанг қилинган экан. Қишлоқда деярли аҳоли қолмаган. Кишилар Негурини-Веки озод қилинганидан сўнг қишлоққа кела бошлаганлар.

Негурини-Векида ташкил топган Калинин номли колхоз раҳбарлари бизни саммий кутиб олдилар. Партия, комсомол аъзолари, колхоз активлари билан узоқ сўзлашдик. Колхоз партия ташкилотининг секретари Фёдор Григорьевич Гончарун бундай деди:

— Молдавия озод қилинганидан сўнг Нарзи Ражаповнинг қаҳрамонлиги, жасорати тўғрисида кўп гаплар эшитдик. Бахтга қарши қаҳрамон жасади қаерга кўмилгани бизга маълум эмас эди. Яқинда ер кавлаётган колхозчилар бир совет жангчиси суягини топди, биз уни қишлоқ қабристонига олиб бориб, кўмдик.

Колхоз раиси Александр Иванович Усенко бундай деди:

— Молдаван халқи саодати учун бўлган жангда ўз азиз жонини қурбон қилган қардош ўзбек халқининг мард фарзанди Ленин комсомолининг аъзоси Нарзи Ражаповнинг қутлуғ қонини биз қадрлаймиз. Найзабозлик жангида ёлғиз ўзи ўн гитлерчини қириб ташлаган баҳодиримиз Нарзининг номини унутиб бўлармишми? Нарзи Ражапова Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ана шу жанг учун биз яшаб турган Негурини-Веки қишлоғини озод қилгани учун берилган. Шунинг учун ҳам Нарзи Ражапов ёлғиз ўзбек халқининг фарзанди бўлиб қолмай, молдаван халқининг ҳам фарзандидир. Ўғлимиз Нарзининг қутлуғ қони бекор кетмади. Унинг қони тўкилиб, қоки ерига қўшилган қишлоқ бугун гуллаб яшармоқда. Колхоз тузумининг роҳатини кўраётган бизнинг колхозчиларимиз ўз қаҳрамони Нарзи Ражапов ва унинг қуролдош ўртоқларини қадрлайдилар. Биз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нарзи Ражаповнинг хотирасини абадийлаштирамиз. Қардошлар қони тўкилган она ер тупроғимизни гулзорга, зиёратгоҳга айлантирамиз. Бизнинг бу қаторимизни қон қариндош Ўзбекистон халқига, қаҳрамонимизнинг қавм-қариндошларига етказишингизни илтимос қиламиз...

Мен Негурини-Векидан мамнун бўлиб қайтдим, Молдавиядан Ўзбекистонга қайтишим билан Бухорога йўл олдим. «Калинин»ларнинг қарз гапларини Хуминдаги «Ленин»ларга етказиш керак эди. Мен етказган хушхабардан умуман бухороликлар хурсанд бўлишди. Казарма қишлоғида, Нарзи Ражапов номидаги мактаб саҳнида, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўтюрак комсомол, пулеметчи Нарзи Ражапов қайкали атрофида катта митинг бўлиб ўтди. Митингда қаҳрамоннинг сафдошлари, ташкилотларнинг раҳбарлари йиғилган халққа ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Ленин номли колхоз раиси Рамазон Обидов Калинин номли колхоз аъзолари—молдаванлик дўстларга миннатдорчилик билдирди.

Нарзи Ражапов номли дружина советининг раиси Зайнаб Раҳимова қаҳрамон ҳайкалига мурожаат қилиб мана бу сўзларни айтди:

— Совет Иттифоқи Қаҳрамони, жасур комсомол Нарзи ака мен Сизнинг номингизга қўйилган ўрта мактабнинг барча ўқувчилари, комсомол аъзолари, пионерлари номидан, шахсан Сизнинг номингиздаги дружина аъзолари номидан бугунги тантанали митингда шундай қасамёд қиламан: биз доимо аъло ўқиймиз. Ватанга ва халққа Сиздек содиқ бўламиз, одобли, ахлоқли ва мард кишилар бўлиб етишамиз. Бобомиз улуғ Ленин ишига доим тайёрмиз!

Эл-юртнинг шон-шуҳрати, номус-ори, озодлиги ва бахти, деб энг оғир жангларда мардлик-маҳорат кўрсатган, ёлғиз ўзи икки юздан ортиқ гитлерчини қириб ташлаган соҳибқирон, Совет Иттифоқи Қаҳрамони — шуҳрат тожининг кавалери, Ленин комсомолининг аъзоси Нарзи Ражаповга шон-шарафлар бўлсин!

1966 йил, февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАРБИЙ-ЛАШТИРИЛГАН ЎТ ЎЧИРИШ ХОДИМЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ «ЕНГИНДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўт ўчиришда ва ёнғин вақтида болаларни қутқариб қолишда мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнғинда жасорат кўрсатганлик учун» медали билан мукофотлансин:

1. **Абдуллаев** Марат Бобожонович — Чилонзор район ўт ўчириш қисмининг ўт ўчирувчиси.
2. **Володин** Анатолий Васильевич— Тошкент шаҳар ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш бўлими ўт ўчириш штабининг бошлиғи.
3. **Зохидов** Ботир Набиевич — Чилонзор район ўт ўчириш қисмининг ўт ўчирувчиси.
4. **Ильябаев** Эмануил Шаломович — Октябрь район ўт ўчириш қисми бўлим командири.
5. **Эминов** Комил — «Баҳор» ресторанининг ошпази.
6. **Ковтунов** Николай Иванович —7-техника хизмати ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг қоровул бошлиғи.
7. **Тўхтаев** Тўлқин — 2.505-автоколоннанинг шофери.
8. **Шамшиддинов** Фаҳриддин — Куйбишев район ўт ўчириш қисмининг ўт ўчирувчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1966 йил 19 март.
Тошкент шаҳри.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида аспирантларнинг традицион илмий конференцияси бўлиб ўтди. Бунда филология фанлари доктори профессор А. Ғуломов ўзбек адабиётшунослигининг юксалиши ва янги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Аспирантлардан Б. Қосимов, А. Фаҳриддинов, К. Султонов, М. Абдуллаев, С. Содиқов ўртоқлар турли темаларда доклад қилдилар.

Мунозараларда қатнашган филология фанлари доктори Ғ. Каримов ва филология фанлари кандидатлари О. Шарофиддинов, С. Долимов, У. Норматов, С. Ҳайдаров, старший ўқитувчи Ҳ. Муҳаммадхўжаев ва бошқа ўртоқлар докладлар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

ЛЕНИН МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

Бу фильм Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилишининг дастлабки йилларидаги жангу жадаллар ҳақида, Ўрта Осиё деҳқонларининг бойлар ва оқ гвардиячилар билан кескин кураши ҳақида, халқ қасоскори Юсуф Ялангтўшнинг жасур йигитлари ва унинг инқилоб йилларидаги машаққатли ҳаёт йўли ҳақида, оддий ўзбек деҳқонининг қандай қилиб инқилобнинг онгли, толмас, курашчисига айланган ҳақида, ўша йиллардаги оғир курашлар Осиё устида ҳайқириб қўзғолган инқилоб бўрони ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳа, фильм кинорежиссёр Комил Ёрматовнинг революцион романтик услуби билан, севимли артистимиз Шукур Бурҳоновнинг психологик талқини ва салобатли, ҳаққоний ижроси билан шулар ҳақида сўйлаб беради бизга.

... 1917 йилнинг машаққатли ва қайноқ кунларида Жамол Питердан қайтиб келади. Қишлоқда тонг отмоқда... Кўчаларда уйларга ўт қўйиб чавандозлар изғиб юришарди бу пайт. Жамол ҳамма нарсани унутиб, молларни қутқара бошлайди, бир-иккита чавандознинг ёқасидан олиб ерга уради... Чавандозлар кўплашиб уни боғлаб ўз бошлиқлари олдига келтирадилар. Мана у дор остида, овозаси ҳаммаёқни тутган жаҳлдор Ялангтўш олдида турибди.

— Ҳа, бола, сен мени ҳали билмайсан шекилли-а? — дейди Ялангтўш Жамолга.

— Кўзим бор, кўриб турибман.

Ялангтўш:

— Ўҳў! Ботир экансанку! Хўш, айтчи, ўлиминг олдидан нималарни кўриб турибсан?

Жамол:

— Вайронани... Қултепаларни... Ҳам манавуни! Сизнинг ким эканлигингиз шундан маълум.

Ялангтўш:

— Эшитяпсизми йигитлар? Бу маҳлуқ мени босмачи деб ўйлаяпти. Ҳа, ҳа—ҳа... Тўхта... Бутун оилам... болаларимни оқ пошшо мана шунақа қилиб ёндириб юборган эди. Юрагимдаги оловга Амударёнинг сувини қуйсанг ҳам ўчмайди. Ҳа, ҳа, шунақа, ёндираман ҳаммаёқни, вайрон қиламан. Бойларнинг ҳаммасини осаман... Лекин, ўзимга бир чақа ҳам олмайман.

Йўқ, у Жамолни дорга осмади. Жамол Ялангтўшга Ленининг буюк ҳақиқат машъали ҳақида, большевикларнинг инсонят бахти учун олиб борган кураши ҳақида гапириб бери. Ялангтўшнинг хатосини, революцион ғояларни англаб етмаганлигини, онгсиз кураш билан муддаога ҳеч қачон эриша олмаслигини тушунтирди. Жамол ҳам ҳақиқат йўлини машаққат билан топган эди. Бунинг учун у империалистик уруш оловларидан омон ўтди, чор охранкасининг муздек деворлари тагида ётди, турмаларда не-не азобларни кўрди. Ялангтўш, ёшгина бўлса ҳам пишиқ бу йигитни ёқтириб қолди, иккови қалин дўст бўлиб, революция ишига отланишди.

Тошкент ревкоми Ялангтўш йигитларининг ёрдами ва қаҳрамонлиги билан Тошкент қалъасига Қизил байроқ тикди. Шу пайт революция қуёшидан мамнун кулиб турган Ялангтўшга чеккадан ўқ узиб йиқитишади. У сўнгги нафасини ростлаб шу сўзларни айтади, холос:

—Ленинни кўрмоқчи эдим. Насиб қилмади... Ленинга айтинг, батрак Юсуф Ялангтўш большевик бўлиб ўлди.

Ҳа, Ялангтўш большевик бўлиб ўлди. Большевикликка бўлган машаққатли йўлни бу халқ қасоскори қай тарзда босиб ўтди? Юсуф Ялангтўш ролини ижро этган ўзбек театри ва киносининг йирик арбоби Шукур Бурҳонов бу машаққатли йўлнинг босиб ўтилиш тарихини жуда ишонарли тарзда талқин қилган. Ялангтўш Ш. Бурҳонов ижроси ва ижодида чуқур миллий характер касб этади, фильм бош қаҳрамони ботир ва муғомбир, қўрқмас ва доно, жангда ёвга даҳшат солувчи жасур, дўстлар суҳбатида хандон-хушон улфатижон киши бўлиб гавдаланади. Шу маънода Ялангтўш образи қизиқарли, ёрқин рангларга бойдир.

Етук санъаткор актёр Шукур Бурҳонов ажойиб маҳорат билан тамоман янги, халқчил образ ярата олди. Шунинг учун у ижро этган Ялангтўш экранда биринчи бор кўринишиданоқ ўзига нисбатан томошабининг илиқ меҳрини уйготади. Бурҳонов талқинидаги Ялангтўш жоҳилроқ бўлса ҳам, бунинг орқасида баъзан хатога йўл қўйса ҳам, у қалби мусаффо, мақсади улкан ҳақиқий инсон.

Шукур Бурҳонов ўзининг салобатли , хатти-ҳаракати, овозидаги табиийлик, ташқи қиёфаси билан ҳам худди Ялангтўш образига жуда мос, жуда ярашиқ. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракати қаҳрамоннинг ички дунёсини очишга хизмат қилади.

Бу ажойиб фильм сценарийсини фильмнинг постановкачи режиссёри Комил Ёрматов билан ҳамкорликда М. Мелкумов, Н. Сафаров, В. Алексеев, А. Агишевлар ёзишди. Оператор Николай Рядовнинг фусункор камераси фильмдаги бизнинг эътиборимизни тортган ажойиб манзараларни, муваффақиятли чиққан оммавий саҳналарни суратга олган. Композитор И. Акбаровнинг революцион руҳ билан ҳалоҳанг жўшқин куйлари ҳам фильм мазмунини очиб беришга муносиб ҳисса қўшган.

Маҳмуд ЯҲЁЕВ,
Асрор САМАД.



ФИЛЬМДАН КАДР.

БЎРОНЛИ ЙИЛЛАР ҚИССАСИ

Кино ихлосмандлари экранда «Осиё устида бўрон» фильмини зўр хурсандчилик билан томоша қилдилар. Моҳирлик билан яратилган бу фильм тез орада Иттифоқ экранларига ҳам чиқарилди ва шуҳрат қозонди.

«Осиё устида бўрон» фильмининг бу қадар тез шуҳрат топишининг боиси нимада? Бизни ана шу савол кўп қизиқтирди. Мазкур фильмни қайта-қайта синчиклаб томоша қилдик. Фильм Ўрта Осиёда инқилоб даври воқеалари, халқ қаҳрамонлиги, ички-ташқи душманларга қарши кураш ва революция галабасига бағишланган. Фильмнинг халқ олқишига сазовор бўлишининг сабаби — аввало унинг тарихан ҳаққоний воқеалар асосига қурилганлигидир. Сўнгра бу, фильм яратувчилар — сценарий авторлари ҳамда талантли санъаткорлар Комил Ёрматов ва Шукур Бурҳоновларнинг ҳамжиҳатлик билан қилган катта меҳнатлари самарасидир.

Ялангтўш —халқ қаҳрамони. У батракларнинг, эзилган камбағалларнинг ҳомийси, йўлбошчиси. Унинг бой, эшон, мулла — умуман йўқсиллар душманига қарши нафрати кучли, фақир-фуқароларга раҳм-шафқати зўр. У ҳаққоний, эрк-ҳуқуқ учун, чин инсоний ҳаёт барпо этиш учун курашади. У Ленин ғояларини тушуна бориб, ана шу ёрқин ғояларнинг амалга ошишини ўйлайди.

Фильмда Ялангтўш ролини СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов маҳорат билан ижро этган. Бурҳонов ижросида Ялангтўш чинакам халқ қаҳрамонига айланган.

Биз, кекса большевиклар бу фильмни томоша қилиб Ўзбекистонда инқилобга тайёрланиш ва уни ўтказиш даврларидаги ҳаётни, ўша пайтлардаги ўз кўзимиз билан кўриб, ҳатто иштирокчиси ҳам бўлган воқеаларни худди кеча бўлиб ўтгандай хотирладик. Ўз ёшлигимиз, ўт-олов бўлиб курашган йилларимиз кўз ўнгимизда бир-бир ўтди. Бу ажойиб фильмнинг Ленин мукофотига тақдим этилиши бизларни беҳад қувонтирди.

Шундай тўлақонли, тарихий эпопеяни яратувчи моҳир санъаткорлар юксак мукофотга муносибдирлар.

Революция ва меҳнат шуҳрати клубининг аъзолари:
Ф. Н. ЖЕЛТИКОВ,
Р. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Г. Е. НАГАЕВ,
К. МАЪЗУМОВ,
Ш. ҒОЙИБЖОНОВА,
С. ТОШХУЖАЕВ,
Р. УСМОНОВ,
Г. Е. СИГИН,
С. МАДАЛХУЖАЕВ,

МЕҲМОНДЎСТЛИК

Турмуш ва одоб

Меҳмон ҳамма нарсадан азиз ва мўътабар. Меҳмондўст халқимиз меҳмонга атаб қанчадан қанча шеър, ашула, эртак, ривоят, мақоллар тўқиганини айтмайсизми! Меҳмондўстлик халқ урф-одатлари ичида энг олижанобларидан. Меҳмондўстликнинг асл моҳияти, асосий қоидалари, турлари, тартиби қанақа — буларни кўпчилик ёшлар ўзларича тушунадилар.

Биз бу мақолада ва бундан кейинги мақолаларда меҳмондўстлик фазилатлари, мезбоннинг вазифалари, лаззатли таомлар тайёрлаш, дастурхон тузатиш санъати, меҳмонга борди-келди қилиш қоидалари ҳақида фикр юритамиз.

Ёру биродар, қариндош-уруғ, ошна-оғайни ва дўстларникига тез-тез бориб-келиб туришни энг яхши инсоний фазилатлардан бири деб билмоқ керак. Мезбонлик шарафига муяссар бўлганлар эса ўз уйига келган ҳар бир меҳмонни очиқ кўнгил билан қабул қилишади.

Илгаримлари меҳмон бўлиб бориш ёки меҳмон бўлиб келиш кўлинча оғоқлантирилмасдан ҳам бошланиб кетаверар ва мезбонникига хоҳлаган вақтда ташриф буюрила берилар эди. Баъзан меҳмондорчилик жуда авжига миниб узоқ давом этганидан халқда: «Яхши меҳмон уч кунлик» деган нақл ҳам пайдо бўлган. Лекин бундан, меҳмондорчилик чегараланган экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Меҳмондорчиликнинг вақт-соати меҳмоннинг хоҳиш-ихтиёри ва мезбоннинг иззат-икроми билан белгиланади.

Ҳамма халқларда бўлгани каби, ўзбекларда ҳам меҳмонни маълум бир таомлар билан зиёфат қилиш одати бор. Ўзбекистонда ана шундай таом паловдир.

Ҳар бир шаҳарда меҳмонга тегишли илтифот кўрсатиш йўлида ҳамда мезбон яшаб турган жойнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш мақсадида палов пиширишнинг кўпдан-кўп усуллари вужудга келган. «Фарғона палови», «Самарқанд палови», «Бухоро палови», «Хоразм палови» кабилар ана шу жумладандир. Умуман бу традицион таомнинг тури юзтагача етади. Ҳозир бизга етиб келган ва маълум турлари 40 тага яқин.

Меҳмон кутишда республикамиздаги ҳар бир область ва районнинг ўзига хос одатлари бор. Дастурхонга албатта палов тортишдан ташқари, Тошкентда, масалан, қази-қартали норин тайёрлаш ва хушбўй қилиб фамил чой дамлаш одат тусига кирган. Фарғона водийсининг ҳамма жойларида ва Самарқандда меҳмонга даставвал иссиқ кўк чой берилади. Андижон, Кўқон, Маргилон, Фарғона ва Наманганда меҳмонга чой берилгач, кашнич, райҳон солинган ва қатиқланган мастава, сўнгра девзира гуруччан лоларанг қовурма палов тортилади.

Келган меҳмонга дарҳол қатиқ таклиф этиш ёки понуштасига албатта қатиқ бериш, айниқса, Наманганда яхши одат тусига кирган. Сабаби: бу ерли мезбонлар қатиқ ичишнинг инсон учун кўпгина фойда келтиришини назарда тутадилар, қатиқ организмни зарарли бактериялардан тозалаш ва хазми таомлик хусусиятларига эга, шу билан бирга узоқ жойдан келиб сув ва ҳаво ўзгартирган кишини оғирлашиш ва лохас бўлишдан ҳам сақлайди.

Самарқандда меҳмонни ширин-шарбат ҳўл мевалар, машҳур осиёий нонлар ва қаймоқ билан сийлаш, сўнгра эса мурч селилган чучвара ва тўғрама палов билан зиёфат қилиш одати бор. Бухорода майиз палов ва барра кабоб, областнинг ҳорвадор районларида эса янги сўйилган қўзи гўштининг шўрваси ва кабоби меҳмон ҳурматининг рамзига айланиб кетган.

Сурхондарёликларга қўноққа борсангиз, хушбўй кўк чой билан бирга арча ўтинида пиширилган тандир кабоб келтириб, ҳурматингизни жойига қўядилар.

Хоразмликлар одати меҳмонни тилёрар қовунлар, махсус тайёрланган палов, қайлали суғуруч ва гўммалар билан сийлашдир.

Қорақалпоқнинг балиқ кабоби ҳам лаззатли.

Андижонда яхши бир одат бор. Меҳмон келган хонадонга қўшнилар ҳурмат юзасидан дастурхон чиқаришади.

Ўзбек меҳмондорчилигида қайси уйга қадам қўйманг, дарҳол дастурхон ёзилиб, ширинлик келтирилади. Дарҳақиқат, ширинлик ва қандолат дастурхоннинг кўркидир. Овқатланиш қоидасига кўра, овқатдан илгари ширинлик истеъмол қилиш иштаҳани қиркади, дейишади. Лекин дастурхонга ширинлик қўйиш меҳмондорчилик ширин бўлишига ишора ва меҳмонни ҳуш кўрганликнинг символидир.

Ўзбекларда меҳмонга сарпо кийдириш одати ҳам мавжуддир. Бу одатнинг икки маъноси бор. Бири — ўзининг яқин кишисига, қариндошига сарпо кийдирганда: ҳозқлашмаслик, бегоналашмаслик, ҳамжиҳатлиқ истаги билдирилади. Иккинчиси—бегона кишига сарпо кийдириб у билан дўстлашганлик билдирилади. Шу сабабли чет элларидан, қардош республикалардан келиб, республикамизнинг меҳмони бўлган миллий уст-бошлар кийдирилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, баъзи оилаларда бўладиган тўй-ҳашамларда ва бошқа тантанали маросимларда сарпо кийдиришга ортиқча берилиб кетиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Лекин ҳозирги вақтда бу одатга кўпчилик қарши чиқмоқда. Унинг ўрнига китоб, сурат, эсдалик буюмлари ва бошқа нарсалар тақдим этиш расм бўлиб бормоқда.

Халқимиз меҳмон келишини кўпгина яхшиликларнинг рамзи деб билган. Меҳмон келганда у билан ҳол-аҳвол сўрашиб, саммий суҳбат қилинади. Узоқ яқиндаги дўст-биродарлар эса олинади. Меҳмон мезбонга қариндош-уруғ ва дўстларнинг илиқ муҳаббати ҳамда саломини топширади.

Уйига кўп ва тез-тез меҳмон келиб турган кишининг маҳалла-куй ўртасида обрўси янада ортади, негаки, меҳмондўстлик кишидаги ҳудбинлик каби ярамас хусусиятлар ўрнига коллективизм, инсонпарварлик, одамгарчилик каби ижобий ҳислатларни, қўполлик, қўрслик сингари ёмон одатлар ўрнига хушфеъллик ва хушмуомалалик каби яхши сифатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлади. Ота-боболаримиздан қолган яхши одоблардан бири шуки, меҳмон келган уйда ўшқириб гаплашиш, шовқин солиш; ҳатто мушукни каттиқ «пишт» дейиш, чироқни «пуфлаб» ўчириш мумкин эмас. Чунки сал нарсага меҳмон озор топиши мумкин. Меҳмоннинг кўнглига озор бермаслик учун ҳар қандай интилиш эса одамларни қовуштириб меҳр-оқибатли қилади, дўстлик ва биродарликни келтириб чиқаради, оилада бир-бирига меҳрибонлик, севги-муҳаббатни янада кучайтиради.

Меҳмон қадам ранжидаси озодаликка ва шахсий покизаликка ҳам сабаб бўлади. Ивирсиқ жойлар саранжом бўлади.

Уй-жой, боғча, ҳовли ва кўчалар супурилиб сувлар сепилади. Идиш-товоқлар ва барча уй-анжомлари аввалгидан ҳам озодароқ тутилади. Меҳмон ҳам, мезбон ҳам янги кийиниб оладилар. Меҳмон келган кундан бошлаб тушлик таомлар буюмлар ишга солинади; ҳуллас меҳмон келган уйнинг чироғи равшан ёнади.

Замонавий меҳмондорчиликни баъзилар ичкиликсиз яхши ўтмайди деб нотўғри тушунадилар. Ичкилик бор ерда хафачилик бўлиши мумкин. Хафачилик оқибатида меҳмон ўнғайсизланади, ранжийди, тезроқ кетиш тараддудига тушиб қолади.

Меҳмонни ичкиликсиз ва ҳатто яхши таомсиз ҳам хурсанд қилиш мумкин. Бу —

ЎЗБЕКИСТОНДА БЕЛОРУССИЯ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК

Халқлар дўстлигининг ёрқин намойиши бўлган адабиёт ва санъат ўн кунлик ва ҳафталиклари традицияга айланиб бораётир. Ўз она ерида рус, украин маданияти ўн кунлигини катта тантана билан ўтказган республика меҳнаткашлари энди белоруссияли қардошларни кутмоқдалар. Бу ишга айниқса республиканинг қалам соҳиблари ва санъаткорлари қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Янка Купала, Якуб Колас, Аркадий Кулешев, М. Танк, Эди Огницвет каби машҳур шоирларнинг асарларини ўзбек тилида ўқиган китобхонлар ҳафталик муносабати билан белорус ёзувчиси Иван Шамякининг «Кафтдаги юрак», В. Биновнинг «Учунчи ракета» романларини ўзбек тилида ўқиндилар. «Тошкент» нашриёти бу китобларни нашрдан чиқараётир.

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат халқ кутубхонасининг сертадбир коллективи Белоруссия адабиётига бағишланган катта виставкага ҳозирлиқ кўрмоқда.

17 апрелгача ялпи меҳмонларимиз келгунча бу адабиёт ва санъат ҳақида радио ва телевидение орқали берилаётган эшитиришлар давом этади. Декада кунларида эса радио ва телевиденье коллективи бу байрамни кенг кўламда ёритади.

Ю. ҲАМДАМОВ.

МАЙМОҚПОЛВОННИНГ ТАЪҚИБИ

(ВОҚЕИЙ)

◆ ◆

Чойхона одатдагидек гавжум. Одамлар чақчақлашиб чой ичишар, гоҳо ҳар ер-ҳар ердаги сўриларда гур этиб қулги кўтариларди. Енгинамдаги сўрида ўтирган бир гуруҳ йигитлар эса чолдан яманидир айтиб беришни сўрашиб, унинг оғзига тикилиб туришар эди.

— Оббо, боласи тушмагурлар-ей, қўймадиларинг-да, — деди ниҳоят қария ва бошидан кечирган қизиқ бир воқеани сўзлай бошлади.

—Ҳа, маймоқполвоннинг қўлида ўлиб кетишимга бир баҳя қолганди. Бу воқеа саккиз йиллар чамаси муқаддам куз чоқларида содир бўлди. Мен қўшнимиз Алимбой билан тоққа ўтин йиққани бордик. Бир тарафи ўрмонзорга туташиб кетган жойни танлаб, чамамда, мўлжалдагича ўтин тайёрлаб қўйдик. Шунда Алимбой менга яқин ўртадаги чўпонларникига бориб, ўша ерда тунаб қолмоқчи эканини, эртага яна шу ерга келиб ўтин йиғиш нияти борлигини айтди. У хайрлашиб, йўлга тушди.

Мен бир оз дам олгач, яна ўтин йиғишга киришдим. Ишга шунчалик берилиб кетибманки, рўпарамдан лапанглаб келаётган бир катта ва иккита кичикроқ сариқ айиқни ҳам кўрмай қолибман. Аллақандай шарпадан чўчиб, бошимни кўтардим-у, турган жойимда қотиб қолдим. Жадал келаётган катта айиқ жуда ҳунук ўкирарди. «Ўлдим!» дедим ичимда. Бутун вужудим титраб кетди. Бирдан бошимга «қоч, қочсангчи!» деган фикр ялт этиб келди. Беихтиёр бир-икки одим кетга тисарилдим-у ура қочдим. Лекин кечиккан эканман, қўпол ва ўткир тирноқли, жунли қўл этагимдан тутиб қолди. Жон-жаҳдим билан яна олдга ташландим. Этагимнинг бир парчаси ҳалиги лаънати қўлда қолиб кетди. Ҳаллослаб олга интилардим. Бахтимга олдимдан пастаккина бир тош кавак чиқиб қолди. Ўзимни ўшанга урдим. Лекин маймоқ ҳам бўш келадиганлар хилидан эмас экан, этигимдан тишлаб қолди. Яна ичкарига интилдим. Ҳайтовур оёғимдан этиқ чиқиб кетди. Айиқ, аламидан бўкириб, этикни бурда-бурда қилиб ташлаганини шундоқ сезиб турдим. Кейин кавакдан бурилиб, ташқарига қараганимда айиқ ҳам мен томонга тикилиб турганини кўрдим. Йиртқич ўлжасидан маҳрум бўлишни истамас. шунинг учун кавакка киришга интиларди. Лекин унинг қўпол ва бесўнақай гавдаси бунга имкон бермасди. У менга қараб бир неча дақиқа ўкириб турганч, тешик олдидан ғойиб бўлди. Бир зумдан кейин катта ҳарсангни кўтарганча яна қаршимда пайдо бўлди. Лаънати шу тош билан кавак олдини тўсиб қўйди. Тошлар устма-уст қалашаверди. Бир оздан кейин мен турган жой бутунлай қоронғилашиб қолди.

«Майли, дедим ичимда ўз-ўзимга тасалли бериб, бу лаънати маҳлуқ бирор ёққа бормоққчига ўхшайди. Кейинроқ тошларни суриб ташлаб чиқиб кетаман». Орадан икки-уч соат вақт ўтди. Секин сурилиб бориб тошларни тушириб юбормоқчи бўлдим. Аммо ҳалиги катта харсангга сира кучим етмади. Юрагимни ваҳима боса бошлади. Нима қилсам экан? Ўлигим шу кавакда қолиб кетмаса эди...

Кейин ўз-ўзимга тасалли бера бошладим. Кавак олдидаги уюлган бу тошлар эҳтимол, шу ёққа йўли тушган бирор кишининг эътиборини тортар. Мени қутқариб олишар. Шу хаёллар билан тор ва зах уфуриб турган бу янги тасодифий «уйим» ичига чўзилдим. Қанча ухлаганимни билмайман. Яна тешиқ оғзига бордим. Ташқари жим-жит. Бир оз мизғиб олганим кучимга куч қўшганми, ҳар ҳолда харсангни зўр бериб итарган эдим, тешикнинг оғзи очилди. Қўрқаписа ташқарига чиқдим. Бу оёғимдаги этикни ҳам ечиб қўлга олдим-у, ўтин тайёрлаган жойга караб жўнадим. Бу ерда кўнгилсиз манзара устидан чиқиб қолдим. Нарироқда эшагимнинг гавдаси чўзилиб ётарди. «Ҳа, аблаҳ дедим ғижиниб, менинг ўчимни бундан опти-да». Йўқ, бугина эмас, маймоқ ўтин боғлаган арқонларни ҳам узиб ташлаб, ўтинни ҳам атрофга сочиб юборибди. Арқонларни нари-бери йиғиб олиб қишлоқ томон йўл олдим. Боҳ қувонаман, гоҳо яна қўрқув босади. Яна ўша жирканч махлуққа дуч келиб қолсам-а!

Дарҳақиқат яна ўша таниш шарпани сезиб қолдим. Қаршимга яна ўша уччала айиқ келарди. Юрагим орқага тортиб кетди. Энди қутилолмасам керак. Қуролсиз одамнинг бу қутурган маймоқлар билан олишиши бефойда — бир нафасда бурдалаб ташлайди. Яна қочдим. Юз метр чамаси наридаги арчазорга ўзимни урдим. Лаънатилар ўкиришганча орқамдан қувиб келишарди. Баланд бир арчага беихтиёр осилиб чиқа бошладим. Дарахтнинг юқорисига чиқиб олдим. Бир марта қувиб ниятига етолмаган бу таъқибчи йиртқич энди жон-жаҳди билан арча устига чиқишга уринарди. Лекин барча ҳаракатлари бекор кетди. Буни қаралгки, энди айиқнинг болалари ҳам онасига қўшилиб, менга қарата тош ота бошлади. Албатта, бу тошларнинг ҳаммаси ҳам мен турган баландликка кўтарила олмас, пастдаги шох-шаббаларга урилиб қайтиб тушарди. Лекин тошбўрон тўхтайдиганга ўхшамасди. Айиқлар қутиришиб тош отишар, тошлар ён-веримдан ўтиб кетарди. Шунда бошимга бир хаёл келиб қолди. Саллам ва белобғимни ечиб ўзимни белимдан тортиб дарахтга боғладим. Бордию, бирор тош тегса, хушимдан кетиб, шу қутурган махлуқлар олдига шилқ этиб тушмай дедим-да! Ўйлаганим бўлди. Бир тош чап қўлимга тегди. Оғриқдан қичқириб юбордим.

Лекин, манави манзара эсхонамни чиқариб юборай деди: она айиқ ўкириб каттакон бир тошни силжитиб келарди. Агар шу тош дарахт танасининг лоақал ярим белгига тегса ҳам борми, қаттиқ силкинишдан албатта шартта учиб кетардим. Айиқ тошни кўтара бошлади. Болалари эса унга ёрдамга келишди. Баҳайбат ва қўпол қўллардан юқорига отилган тош йиртқичнинг шўрини қурутди. Тош арча танасига тегмади. Аммо ўзини четга ололмаган ҳар икки айиқ боласини мажақлаб, пастга думалаб кетди.

Болаларидан айрилган йиртқич баттарроқ ўкириб, мени тош бўронга тутди. Қанча тош текканини билмайман. Лекин кўзимни очиб қарасам, ўзимни дарахт устида эмас, бир уйда кўрдим. Қўлларим кимирламайди, бошимни дока билан ўраб ташлашибди. Ёнимдагилардан қаердалигимни сўрадим. Касалхонада эканимни билиб ҳушёр тортдим. Маълум бўлишича, дарагим бўлавермагач, ҳамқишлоқларим мени қидиришибди. Аммо дарахт устига ким мени боғлаб қўйди, атрофим нега тўс-тўполон эди— буларга улар жавоб топиша олмабди. Бошимдан кечирган мудҳиш воқеа ҳақида сўзлаб берганимда улар ҳайратдан бош тебратишарди.

Қариянинг ҳикояси шу ерга келиб, ниҳоясига етди.

Еш-яланглар ҳам тасодифий, ҳам ғожиали бу воқеа гувоҳи — Каримжон отага жилмайиб боқиб туришарди.

Қ. СУЛТОНОВ.

Ўқирлик мамлакатларда

ПАНЖОБ ШТАТИДАГИ АҲВОЛ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон миллий конгресси ишчи комитетининг Панжоб штатини аҳолининг қайси тилда гапиришига қараб қайта қуриш тўғрисидаги қарори муносабати билан штатнинг бир қанча шаҳарларида кейинги кунларда қўзғолонлар бўлиб ўтган эди, энди аҳвол бирмунча осойишта бўлиб қолди.

Расмий равишда эълон қилинишича, Панжоб штатида бўлиб ўтган қўзғолонлар вақтида 14 киши ўлдирилган, 329 киши ярадор бўлган ва 998 киши қамоққа олинган.

(ТАСС).

ЯНА ЯДРО ҚУРОЛИ ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). Кеча Невада штатидаги синов полигонида ер остида ядро қуроли портлатилди. Шу билан бу йил тўққизинчи марта ядро қуроли портлатилди.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ КУРАШ

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. 17 март ярим тунда бошланган стачка Франциянинг бутун темир йўл тармоғида ишни тўхтатиб қўйди. Франция темир йўлчиларининг бу галги кураши ўзининг мустаҳкам ва жипслашган ҳолда ўтаётганлиги билан фарқ қилади. Франциядаги учта йирик касаба союз бирлашмаси: Умуммеҳнат конфедерацияси, Франция меҳнат демократик конфедерацияси, «Форс Уврие» ташкилотларига кирувчи касаба союзлар меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни забастовка ўтказишга чақирдилар.

Иш ташлаган темир йўлчиларнинг асосий талаби — иш ҳақини ошириш, уни тез ошиб бораётган нарх-навога мувофиқлаштиришдир.

ИТАЛИЯ

РИМ. Бутун Италия бўйлаб яна забастовка тўлқини кучаймоқда. 1 миллиондан кўпроқ металлург ва озиқ-овқат саноати меҳнаткашларидан 200 минг киши 24 соатлик умуммиллий забастовка ўтказдилар.

Улар корхона эгаларининг янги меҳнат битимлари тузишдан ва меҳнаткашларнинг иш ҳақини оширишдан бош тортганликларига қарши миллионлаб қурувчилар, шахтёрлар ва батраклар билан биргаликда норозилик билдирмоқдалар.

Римда, Венецияда, Болонбеда ва мамлакатнинг бошқа кўпгина шаҳарларида кучли намойиш ва митинглар бўлиб ўтди.

АРГЕНТИНА

БУЭНОС-АИРЕС. Аргентина ўқитувчилари касаба союзининг чақириғига биноан бутун мамлакатда давлат ва ҳусусий бошланғич, ўрта ва махсус мактаблар ёпиб қўйилди. 375 минг ўқитувчи иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилашдан маъмурлар ва ҳусусий мактаб эгаларининг бош тортганликларига қарши норозилик билдириб ўй кунлик забастовка бошладилар.

Буэнос-Айресда пойтахтдаги ўқитувчилар миллий конгресси биноси олдида кўп минг кишилик митинг уюштирдилар. Митинг қатнашчилари конгресс аъзолари билан учрашишни талаб қилдилар. Ўқитувчиларга қарши кучли полиция наряд-лари юборилди. Полициячилар кўздан ёш оқизувчи газ ва калталаклар қўлланиб намойишчиларни тарқатиб юбордилар. Бир неча киши қамоққа олинди. Ўқитувчилар касаба союзи раҳбарлиги барча касаба союз аъзоларини конгресс биноси олдида иккинчи марта оммавий намойиш ўтказишга чақирди.

Ҳиндистон шоирлари Тошкент ҳақида

ДИЛИП БОДИЛ

ТОШКЕНТ УЛУҒВОРЛИГИ

Баланддир сарзамини, бу шаҳар
тоғи баланд.
Баланддир саҳарлари, ҳам нурли
шоми баланд.
Шаҳарларнинг ичида унинг
мақоми баланд,
Тошкент туфайли энди
Ҳиндистон номи баланд.
Ҳеч шаҳар гўзаллиқда бу шаҳарга
тенг келмас,
Фалан ҳам улуғлигин кўриб бўлар
маст-аласт.
Ундан бошланар энди янги тарихи
жаҳон,
Олам аҳли ҳам кўрди мўъжизасини
чунон,
Тинчлик фаришталари бу ерда
қуйлар шодон,
Ҳусн бирла муҳаббат адолари
намоён.
Мўъжизани кўринг бу, карашмани
кўринг бу—
Уруш алангасини ўчирди-ку
қуйиб сув!
Ҳиндистону Покистон банд эди
низо билан,
Бир қиёмат келган-ди офату бало
билан,
Ерни бўяқчийди аскарлар хино
билан,
Жанг шуъласин кучайтиш мақсади
ҳаво билан.
Жудо бўлганлар энди бўлди яна
ҳамоғуш,
Сулҳ миғорига фидо, уруш эса
гўё туш.
Тинчлиққа қарши душман қуйи
солинди боши,
Ҳасад ўтида ёниб, қуйилар қонли
ёши,
Тинчлик косасин тутди икки юрт
қарн-ёши.
Уз сеҳридан фусунгар ўлди етмай
бардоши.
Бу мўъжиза менимча фақат
Тошканд туфайли,
Бу фаровонлик бари шаҳри
баланд туфайли.

ҚАМАР РАИС

ТИНЧЛИК ШАҲРИ

Салом сенинг шаббодангга, эй тинчлик
шаҳри,
Чунки у ўт ўчирди, ярага қўйди малҳам,
Сенинг самимийлигинг, донолигингга
салом!
Ечилди мушкул чигил — дунё янада
кўркам.
Борми сенинг хабаринг: даставвал
қучоғингда
Қўзғолонимиз жажжи чақалоғи туғилган,
Шафиқ, Ройе, Мукержий томонидан шу
ерда
Ватаним учун менинг янги низом
тузилган*)
Навқирон орзуларинг кўҳна Шарқ
заминида
Қизил байроқ тутқазиб, бизга ғайрат
бахш этди.
Азму амал машъали ёритганда фазони,
Унинг знёси бизга нури журъат бахш
этди.
Биз биламизки, Деҳли қалби чекканда
азоб,
Оғирлашар нафасинг, дилинг чекар
изтироб,
Унга яқинлашарман қора боруд**)
шуъласи,
Унинг акси сенинг ҳам манглайингга
берар тоб.
Салом муҳаббатингнинг дилнавоз адосига,
Ки у берди дўстликдан олам аҳлига
сабоқ!
Сенинг аҳлу тадбиринг улуғлигига салом,
У бахш этди бизларга сулҳу омонлик
бу чоқ.

Урду тилидан **Наби МУҲАМЕДОВ** таржимаси

*) 1920 йил 17 октябрда Тошкентда Муҳаммад Шафиқ, М. Н. Ройе, Абоний Мукержий ва бошқа ҳиндистонликлар Ҳиндистон Компартиясига асос солганлар (низоқ муаллифники).

**) Боруд — милтиқ дори, порох.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН



Одамлар автобус кутяпти...

Автобуслар одамларни кутяпти...

— Билет йўқ-ку.
— Пулни бу ёққа чўзаверинглар, билет бир гап бўлар.

Ш. Абдуллаев чизган расмлар.



Тиз чўкмаган қиз

Бу материал биринчи марта Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг «Озодлик» журналида босилган.

Оғаҳ атрофга диққат билан тикилди ва тез юриб шартлашиляган жойга етиб келди. Бир, икки, уч минут ўтди. Ҳали замон партизанлар келишлари ва қўлидаги муҳим ҳужжатларни олиб кетишлари керак. Бу ҳужжатлар штаб жойлашган ўрмонга юборилади.

Улар тўсатдан пайдо бўлиб қолишди:

— Қўлингни кўтар!

Қўғирчоқ армия аскарлари қизни ушлаб олиб, маҳаллий гарнизон бошлиғи — капитанинг олдига олиб келишди. Офицер жуда мамнун бўлди: муҳим ҳужжатлар унинг қўлига тушиб қолган эди-да. Олдин у жуда сертакаллуф эди.

— Исмингиз нима? — деб сўради у қизни ўтиришга таклиф этаркан.

— Ха Тхи Нгок Оанъ — деб жавоб берди у.

— Ташкилотингизда нима иш қилгансиз?

—Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, — хотиржамлик билан деди Оанъ.

Капитаннинг қовоғи осилди. У қизнинг олдига бир варақ оқ қоғоз қўйди ва олдинги такаллуфларни йиғиштириб қўйиб, қўполлик билан буюрди:

— Ез. Исёнчиларга қаршиман деб ёз. Шундай қилсанг озод бўласан. Агар бош тортсанг, сени шундай кишиларни қўлига топширамаккн, уларнинг қўлида ҳатто ўликлар ҳам тилга киради.

— Йўқ, ҳеч нарса ёзмайман.

У қаршисида ўтирган қўғирчоқ армия офицерининг кўзларига дадил қараб давом этади:

— Ташкилотда қандай ишлар билан шуғулланганлигимни билишни истайсизми? Майли, агар сиз қуролни Америка босқинчиларига қарши қаратсангиз, мен ҳаммасини айтиб бераман.

Капитаннинг юзи бўзариб кетди. У Оаннинг юзига шапалоқ солди. Яна ва яна урди. Қизнинг нимжон танасига кетма-кет зарб тушарди.

Уни қийноқ хонасига олиб келишди. Қиз кўп марта ҳушидан кетди, лекин жаллодлар ундан бир оғиз ҳам сўз эшита олмадилар. Мана, ҳамма ёғи қонга беланган Оанъ капитаннинг олдида ўтирибди. Ёнида, стол устида магнитофон турибди. Қизнинг гаплари магнитофонга ёзиб олинади.

— Ҳаммасини айтиб берасан. Айтмасанг отиб ташлайман, — дейди у.

Қиз индамасдан магнитафонни икки қўллаб кўтардида бутун кучи билан жаллоднинг бошига туширди. Лекин капитан ўзини четга олишга улгурди. Аппарат чил-парчин бўлиб кетди. Кўзлари қонга тўлган жаллод Оанга ташланди ва уни йиқитиб, тепа бошлади.

Эрталаб уни отишга олиб кетишди. Қизнинг қўллари орқасига боғлаб қўйилган, лекин бошини мағрур кўтариб бормоқда. Жасур ватанпарвар ўлимдан қўрқмайди. Дарё қирғоғига етиб келишди. Оанъ ёнидаги соқчи бир дақиқа ҳушёрликни йўқотганини сезди-ю, бутун кучини тўплаб, солдатни дарёга итариб юборди. Аммо ўзини тутолмай, Оанъ ҳам дарёга йиқилди...

Соқчилар қизни дарёдан олиб чиқишди. Воқеа маълум қилиниши биланоқ капитан қизни ўша жойнинг ўзида отиб ташлашга буюрди.

— Кўзини боғланглар, тиз чўкишга мажбур қилинглар,— деди у.

Жаллодлардан бири қизга яқинлашиб, унинг кўзларини боғламоқчи бўлди. Қиз хотиржам ва мағрур овоз билан:

— Кўзимни боғлашга ҳожат йўқ, мен ҳеч қачон тиз чўкмайман, — деди.

— Тайёрланинг, — деган команда эшитилди.

Ватанпарвар қиз бутун кучини тўплаб, жаллодлар олдида жасурлик билан қичқирди: «Йўқолсин Америка империалистлари. Йўқолсин хоинлар! Яшасин Хо Ши Мин!».

... Ватан озодлиги йўлида жонини қурбон қилган қаҳрамон қиз энди 20 га кирган эди.

(АПН).

Ғёрлицдаги (Германия Демократик Республикаси) «ФЕБВаггонбау» халқ корхонаси мотор вагонли тезюрар дизель-поезд ишлаб чиқарди. Суратларда: поезднинг умумий кўриниши ва вагон-ресторани.

АДН—ТАСС фотоси.

◆ ● ◆

Американинг 912 та самолёти уриб туширилди

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг зенитчилари 17 март да Шимолий Вьетнам устида, Винь шаҳри ранонида Американинг яна бир самолётини уриб туширдилар.

1964 йил 5 августдан буён Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида жами 912 та самолёт уриб туширилди.

Ишсизлар сони кўпаймоқда

ТОКИО. Япониядаги энг йирик химия компанияларидан бири — «Мицуи Кагаку Когио» компанияси 1 апрелдан бошлаб ўзига қарашли корхоналар ишчи ва хизматчиларидан 600 кишининг ишдан бўшатилишини эълон қилди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Ота-оналар учун. 8.25 — Концерт. 10.30 — Ўзбек халқ куйлари. 9.30 — Чолғу куйлари. 11.10 —Экран янгиликлари (рус.). 11.25 — Дам олиш концерти. 12.15 — Эрталабки салом (Москва). 13.00— Бухородан областга Ленин ордени топширилишига бағишланган митинг олиб эшиттирилади. 18.00— «Ёшлик» радиостанцияси. 19.20— Концерт. 18.40 — Қозоқ куйлари. 20.00—«Музикали Тошкент». 21.20 — Оқшом куйлари. 22.00 — Дунё харитаси олдида. 22.10 — Эстрада-рақс концерти. 23.10 — Ўзбекистон композиторлари асарларида Навоий лирикаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.30 — **Шайбу-Шайбу** (болалар учун мультфильм). 10.55 — **Капитан Теннкеш** телефильмнинг 7-серияси). 11.25— **Трубачёв отряди жанг қилади** (бадиий фильм).

МОСКВА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

(тажриба тариқасида)

13.00 — **Будильник.** 13.30—**Эрон ва Туркия санъати.** 14.00 —**Здоровье** (илмий-оммабоп программа). 14.40 —**Уч авлод замондоши.** 15.20 **Болалар учун.**

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.00 — **Хат** (болалар учун). 17.25 — **Телевизион янгиликлар.** 17.40 — **Туёқлар, ғилдирак ва саккиз аср** (илмий-оммабоп фильм). 18.00 — **«Маркс таълимоти — қудратли таълимот, чунки у ҳаққонийдир».**

Ўзбек тилида: 18.20 — **Телевизион янгиликлар.** 18.35 — **ВЛКСМ XV съездига бағишланган поэзия конкурсининг якунловчи кечаси** («Ёшлик» студияси). 19.35 — **Ўзбекистон санъат усталари.**

МОСКВА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

(тажриба тариқасида)

21.05 —**Куба халқ санъати.** 21.45 —**Пеленгатор.** 22.15 — **Ёши катта болалар** (бадиий фильм). 24.00 — Интерведение. **Венгер халқ куйлари ва рақслари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси кўрсатади.**

21 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.20 — **Ўлкамизда гулбаҳор** (болалар учун). 18.50 — **Партияни шарафлаймиз** (адабий эшиттириш). 19.10 — **Салом, Ашхобод** (телефильм). 19.35— А. П. Чехов. **Юбилей** (телетеатр).

Рус тилида: 20.25 — **Телевизион янгиликлар.** 20.40 — **Бизнинг партком** (телеочерк). 20.55 — **Эртаги кун программаси.**

МОСКВА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

(тажриба тариқасида)

21.00 — **Телевизион янгиликлар.** 21.10 — **А. Хачатурян концерти.** 22.10 — **Сенга, ёшлик.** 23.00 — 00.40 — А. Попова. **Татьяна Крамова** (телеспектакль премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Фрунзе телестудияси кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III кундуз **Этик кийган Мушук,** кечқурун **Демон.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—20/III да кундуз **Биринчи муҳаббат,** кечқурун янги спектакль **Қирол Лир.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Лўлилар»** аттракциони ва бошқа цирк томошалари. Аттракционнинг бадиий раҳбари — **Я. Брестлер.** Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади.

«ПОЛИТОТДЕЛ»

КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

20 март кундуз соат 4 да **«Политотдел» (Тошкент области)—«Уралмаш» (Свердловск) командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

Кундуз соат 2 дан бошлаб Революция сквери ва Қўйлиқдан махсус автобуслар қатнайди.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА

20 мартда

ЯНГИ ВАРИАНТ

Комил Яшин асари

РАВШАН ВА ЗУЛХУМОР

3 парда, 7 кўринишли музикали драма.

Т. Жалилов ва **Г. Мушель** музикаси.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Р. Ҳамроев,** ўйинларни саҳнага қўйганлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Р. Каримова** ва балетмейстер **О. Назруллаев,** дирижёр — **Э. Тошматов,** концертмейстерлар — **А. Малина, М. Фурман,** рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **М. Мусаев,** хормейстер — **Б. Умиджонов,** режиссёр ассистенти — **Р. Муҳиддинова.**

Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

20, 21, 22 мартда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

концертлари

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Қундуз Миркаримова,** солистлардан **Манзура Мўминова, Дилбар Абдуллаева, Равшан Мўминова, Тўхта Рисметова, Сора Шукурова** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар концерт зали кассасида ва райкассаларда сотилади.

1966 йил 30 март кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, Физика-техника институтининг конференц-зали) физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Т. Турдиев: «Кечикиш аргументли дифференциал тенгламалар учун дурўя масала ҳақида» деган темада.

А. Бобоев: «Ер қуррасида кам тарқалган элементнинг минералларда миқдорий аниқлашнинг активацион методини ишлаб чиқиш» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26. Редактор—В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31226. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар —В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ Г—65. | Индекс 64543. | Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. | Р 00196.